Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi



O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2023-yil 22-sentabr №37 (4748)

Бугунги кунда халқаро муносабатларнинг шаклланган мураккаб тизими жиддий ўзгаришларга юз тутмоқда. Жаҳон сиёсатида ўзаро ишончсизлик ортиб, глобал куч марказлари ўртасида геосиёсий рақобат тобора авж олмоқда. Она сайёрамизнинг турли нуқталарида мураккаб ва долғали жараёнлар юз бермоқда. Айрим давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган муҳим нормалари қўпол равишда бузилмоқда.

Munosabat



ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Жаҳоннинг сиёсий маконида мавҳумлик ва ноаниқлик ортиб бораётган мураккаб бир вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини кўзлайдиган, кўп томонлама ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатини изчил давом эттириш ниҳоятда муҳимдир. Шу маънода, кейинги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатда анча фаол ҳаракат қилмоқда. Юртимизда минтақавий ҳамкорликка урғу бериш билан бирга, Ғарб ва Шарқ давлатлари билан бирдек манфаатли ҳамкорликлар йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил сентябрь ойида хорижий мамлакатларга ташрифлари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг нақадар фаоллигини кўрсатади. Хусусан, давлатимиз раҳбари 14-15 сентябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг йиллик маслаҳат учрашуви, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиб, қўшни мамлакатлар раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақамиз экологиясини асраш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилди. Тожикистон сафаридан бир кун ўтгач эса, Президент нуфузли халқаро сиёсий тадбир – БМТ Бош Ассамблеяси ишида иштирок этиш учун АҚШга йўл олди.

Нью-Йорк шаҳрида жойлашган БМТ бош қароргоҳи ва унда бўлиб ўтадиган Бош Ассамблея мажлислари сиёсат оламининг ўзига хос Олимп чўққиси саналади. Унда жаҳон мамлакатлари раҳбарлари нутқ сўзлаб, умумбашарий тараққиётнинг устувор масалаларини биргаликда муҳокама қиладилар. 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумсиёсий мунозаралари бошланди. Эътиборли жиҳати, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам нутқ сўзлади. Ушбу маърузада глобал ривожланишга оид долзарб муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва, энг муҳими, маъруза ўзбек тилида янграгани билан катта тарихий аҳамиятга касб этди.

Жаҳонда кўплаб тиллар йўқ бўлиб кетаётган, ўз ўрнини бошқа тилларга бой бераётган бир пайтда башариятнинг олиймақом минбаридан она тилимизда муҳим баёнотларнинг янграши тилимиз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватандошимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ушбу маъруза шу жиҳати билан юртимиз маданий ҳаётида яна бир унутилмас воқеага айланди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Бош Ассамблеянинг бу галги сессияси халқаро муносабатлар тизими туб ўзгаришларни бошдан кечираётган, глобал ишонч инқирози, халқаро ҳуқуқ меъёрларидан четга чиқиш ҳолатлари кузатилаётган мураккаб бир шароитда ўтаётганлигини алоҳида қайд этди. Шунингдек, маърузада айни пайтда юртимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва келгуси режалар ҳақида маълумот берилди. Айниқса, яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегияси БМТнинг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га уйғун бўлиб, Ўзбекистон бу борада зиммасига олган барча мажбуриятларни тўла ва қатъий бажараётгани таъкидланди.

Жаҳон ҳамжамиятининг юксак минбарида мамлакатимизда иқтисодиёт, таълим соҳаларини ислоҳ қилиш ва инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш борасида эришилаётган натижалар ҳам тилга олинди. Президентимиз Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилгани ҳақида тўхталиб, шундай таъкидлади:

2

She’riy lahza

Маъруф ЖАЛИЛ

ПАРИЗОДИМ

Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,
Айтолмадим юракдаги саволларимни.
Аммо топиб юпансин, деб қўйиб юбордим –
Тоғ бургути каби ўжар хаёлларимни.

Ўзим жавоб беролсайдим,
Бошимни эгиб,
Шамол каби югурмасдим, кўним билмасдан.
Шивирламас эдим ҳар бир дарахтга тегиб,
Ҳатто тоғлар сўзлар эди сукут қилмасдан.

Пишқиради ювош бўлиб қолган дарёлар,
Хазон бўлган лола қайта кўтаради бош.
Эски йўлда янграр эди янги наволар,
Кучга тўлиб нур сочарди кузда ҳам қуёш.

Ҳар бир мева туғилади куртак ва гулдан,
Аммо озми атиргулдай мевасиз гуллар!
Йўқ, мен қийиқ қидирмадим бу ерда қилдан,
Манзил сари элтмас экан дуч келган йўллар.

Мен танлаган йўл ҳаётга бегона эмас,
Мўъжизалар учрамайди унда эҳтимол.
Балки ҳеч ким тақдиримни қилмайди ҳавас,
Сенга атаб эколмасам битта ҳам ниҳол.

Қаронғуда йўқотарман балки йўлимни,
Балки бир тош йиқитади адашганимда,
Балки биров мадад берар кўриб ҳолимни,
Балки куним битар сенга етишганимда.

Аммо сенга қилмагайман зарра хиёнат,
Қасам ичиб бермаганман гарчи қатъий сўз.
Сен мангусан бу дунёда, мен – бир омонат,
Эзгу ҳислар ичра лекин ёнурман ҳануз.

Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,
Айтолмадим ўйлаб юрган саволларимни.
Аммо, топиб юпансин, деб қўйиб юбордим –
Тоғ бургути каби ўжар хаёлларимни.

Mulohaza

НАВОИЙ “ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСЧИСИ”МИ?

Бир ҳол мени кўпдан таажжублантириб келади. Алишер Навоий ҳақида гап кетганда катта-кичик навоийшунос ва тилшунослар, уларга эргашиб бошқалар ҳам “ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси” деган иборани ҳеч иккиланмай айтадилар. Ажабки, бу фикрга қарши ёзилган раддияга ҳам кўзим тушмади.

Бир олим телевидениедаги чиқишида “Кейинги пайтларда “Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси эмас” деган иддао пайдо бўлиб қолди” дея, мазкур мулоҳазага эътироз билдириб, ўзининг фикрини, яъни “Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси” эканлигини буюк мутафаккирнинг тилшуносликка оид рисола (“Муҳокамат ул-луғатайн”) ёзгани ва яна ишончли негизга эга бўлмаган одатий далиллар билан асослашга уринди.

Ҳазрат Навоий, ҳеч шубҳасиз, қомусий, даҳо ижодкор. Ижоди маҳсулининг ҳажман беқиёслиги ва яна барининг жавоҳиротлардан иборатлигини ҳеч ким инкор этмайди, этолмайди. Фақат камина мумтоз адабиётимиз султонига берилажак таърифу қиёсу баҳоларга *“ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси”* деган ёрлиқни ҳам тиркаш жоизмикин, деб ўйлаб қоламан. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *“асосчи”* сўзи *“Бирор нарсага асос солган, пойдевор қурган шахс; бирор нарсани барпо қилган, таъсис этган ёки бошлаб берган киши, яратувчи”* деган маъноларни англатиши уқдирилган. Ажаб, ўзбек (туркий) адабиёти ва адабий тили Навоийдан аввал ҳам бор эди-ку...

“Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси” эканини тасдиқлаш учун кўплаб умумий далиллар келтиришади, ҳолбуки, унинг мазкур адабий тилнинг асосчиси эмаслигини исботлаш учун биргина далил – ул мўътабар зотгача яшаган етук шоирларимиз ижоди кифоя эмасмикин? Узоқ ўтмишдаги ёзма битиклар (“Тўнюқуқ битиги”, “Кул тигин битиги”, “Билга хоқон битиги” ва бошқа) ёки “Рустамхон”, “Алпомиш” каби халқ оғзаки ижоди намуналарини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, Навоийдан бир неча асрлар муқаддам яшаб ўтган мутафаккирлар – дастлаб туркий сўзлар луғатини тузган Маҳмуд Кошғарий, ўз даврининг етук олимларидан Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий...

4

Yozuvchilar uyushmasi xabarlari

ДАРЁДИЛ ШОИР ЭДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-маърифий анжуман ўтказилди. Тадбирда атоқли шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган фильм намойиш этилди.




– Омон Матжон сўз йўлида беминнат заҳмат чеккан, ўз элини авж пардаларда тараннум этган ижодкор эди, – деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид. – Унинг наинки ижоди, балки шеърий тўпламлари, достонларининг номланиши ҳам китобхонни маънавий камолот сари ундайди. Омон Матжон дарёдил шоир эдики, шеъриятга ҳам дарёдек кириб келди.

Омон Матжон қарийб олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида “Очиқ деразалар”, “Карвон қўнғироғи”, “Қуёш соати”, “Ёнаётган дарахт”, “Ярадор чақмоқ”, “Ҳаққуш қичқириғи” каби шеърий тўпламлар, “Нажмиддин Кубро”, “Гаплашадиган вақтлар”, “Чўлдагилар”, “Минг бир ёғду” каби достонлар, бир қанча насрий асарлар, маърифий бадиалар яратди. Жаҳон адабиётининг Фридрих Шиллер, Шарль Бодлер, Евгений Евтушенко, Расул Ҳамзатов, Шандор Петёфи, Юстинас Марцинкявичюс, Берди Кербобоев, Ибройим Юсупов сингари мумтоз ва замонавий адабиёт намояндалари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос мактаб яратди. Унинг турли жанрлардаги асарлари дунёнинг бир қатор тилларига таржима қилинган.

Адабий анжуманда шоирнинг ижод йўли, шеър ва достонларининг тарбиявий аҳамияти, унинг шеъри билан куйланиб, халқимизнинг кўнгил мулкига айланиб кетган қўшиқлари хусусида батафсил сўз юритилди.

ҚИЗҒИН УЧРАШУВЛАР



Ўтган ҳафта Ёзувчилар уюшмасида “Жоним каби севдим Ватанни!” номли маънавий-маърифий учрашув билан бошланган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбирлар шоир воясига етган Тошкент вилоятида қизғин давом этмоқда.

19 сентябрь куни вилоятнинг Нурафшон шаҳрида файласуф шоирга бағишланган “Мен лолалар ундирдим сўздан” деб номланган адабий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир олиб борган тадбирда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, шоирнинг шогирдлари, яқинлари ва қариндошлари сўзладилар. Озода Ёрова, Шарафиддин Муродов сингари таниқли санъаткорлар ижросидаги дилтортар қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Таниқли шоир Абдулла Шер ижодига бағишланган тадбирлар вилоятнинг Чиноз ва бошқа туман ҳамда шаҳарларида, мактабларда, олий ўқув юртларида давом этмоқда.

Tadbir

ИЛМИЙ АНЖУМАН

20 сентябрь куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида атоқли адиб Ғафур Ғулом таваллудининг 120 йиллигига бағишланган “Ғафур Ғулом ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни” мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни университетнинг илмий ишлар бўйича проректори, профессор Одина Жамолиддинова очиб, анжуман ишига муваффақият тилади. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёт ва фольклор институти директори, профессор Низомиддин Маҳмудов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Раъно Ибрагимова, Абдулла Улуғов, Баҳодир Каримов, Олим Тўлабоев ва бошқа профессор-ўқитувчилар Ғафур Ғулом ижодининг аҳамияти, ёшлар учун ибратли жиҳатлари хусусида атрофлича фикр юритишди. Ғафур Ғулом уй-музейи катта илмий ходими Лутфилла Илҳомжонов музейга доир янги маълумотларини маълум қилди. Илмий анжуманда Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва бошқа хорижлик адабиётшунос олимлар адиб ижодининг қардош тилларга таржималари, Ғафур Ғулом адабий меросининг кўлами мавзуларида маъруза қиладилар.

Гавҳар ЖУМАМУРОДОВА

Boshlanishi 1- sahifada

“Бир аср мобайнида Ўзбекистонда миллионлаб инсонлар пахта теримига мажбурий равишда жалб этиб келинди. Ҳар йили сентябрь ойидан декабргача аҳолининг асосий қисми – ўқитувчи ва шифокорлар, тадбиркорлар, ишчи ва хизматчилар, энг ачинарлиси, мактаб ўқувчилари ва талабалар пахта теримига сафарбар қилинар эди. Бунинг натижасида ўзбек пахтасига бойкотлар эълон қилинган, мамлакат эса йиллар давомида “қора рўйхат”ларга киритилган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Қатъий иродамиз туфайли энди буларнинг барчаси ўтмишга айланди. Халқимиз пахта қуллигидан буткул озод бўлди”.

Президентимиз ўз чиқишида ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, аҳолисининг деярли ярмини навқирон авлод вакиллари ташкил қиладиган Марказий Осиё давлатларида ёшлар ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Бундай муҳим масалада эътиборсизлик эртанги кунни бой бериш билан баробардир. Дарвоқе, мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга ғамхўрлигини 18 сентябрь куни “Эл-юрт умиди” жамғармаси қўмагида Америкадаги етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар билан ўтказган самимий мулоқотидан ҳам билиш мумкин. Зотан, бугунги кунда Ўзбекистонда нуфузли халқаро олий таълим муассасаларида таълим олишга бел боғлаган иқтидорли ёшлар учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар яқин келажакда ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти халқаро тадбирлар ва олий даражали учрашувларда доимо мамлакатимиз номидан муҳим амалий ташаббусларни ва таклифларни илгари суриб келади. Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча БМТ минбаридан сўзлаган тарихий нутқи ҳам шундай ташаббускорлик руҳига бой бўлди.

Жумладан, 2024 йилда БМТ шафелигида юртимизда “Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл” бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, мазкур нуфузли ташкилот ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилиш ва “Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби – 2030” дастурини ишлаб чиқиш таклифи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – хотин-қизлар” тузилмаси билан биргаликда аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашиш мақсадида Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш ташаббуси ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳозир она сайёрамизда экология ва иқлим ўзгариши бутун дунёда долзарб муаммога айланган сир эмас. Бу масала, айниқса, бизнинг минтақамизда ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланади. Бинобарин, табиат ва экологияни асраб-авайлаш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил қилади. Президентимиз бундан бир неча йил аввал ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Орол фожиасига қаратгани бежиз эмас. Бу галги анжуманда Марказий Осиё минтақасида қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни жорий этиш ва БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббуси ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида аҳамиятлидир.

Шунингдек, Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш ғояси дунё миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этишда ёрдам бериши шубҳасиз. Айниқса, дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг бой меросини ўрганиш ҳамда Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида келгуси йили мамлакатимизда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро анжуман ташкил қилиш таклифи ҳам халқимизнинг айни дилидаги гап бўлди.

Очиғи, бундай улкан ҳаётий аҳамиятга эга, стратегик аҳамиятга эга ташаббуслар ўзбек дипломатиясининг халқаро миқёсда нуфузи ошиши ва янги босқичга чиқишига ҳам имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти АҚШга сафари давомида бир қатор мамлакатлар ва халқаро тузилмалар раҳбарлари билан самарали учрашувлар ўтказди. Айниқса, 19 сентябрь куни Марказий Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари етакчиларининг “С5+1” форматидаги биринчи саммити дунё ҳамжамиятининг эътиборида бўлди. Саккиз йил илгари асос солинган мазкур формат бугунги кунда янги сифат босқичига чиқишга улгурди ва томонлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Саммит доирасида Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Жозеф Байден билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Эътиборли жиҳати, АҚШ Президенти мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги ҳамда Янги Ўзбекистонда амалда оширилаётган ва муқаррар тус солган ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Бугун уммонорти мамлакатининг минтақамиз ва айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга қизиқиши баланд. Буни Жозеф Байденнинг Нью-Йоркда ўтказилган биринчи С5+1 саммитини “тарихий воқеа” деб атаб, бу йўналишда навбатдаги олиймақом мулоқотни Марказий Осиё давлатларидан бирида ўтказишдан умидвор эканини маълум қилганидан ҳам билиш мумкин. Жаҳон сиёсатида ўзининг алоҳида сўзига эга бўлган АҚШ каби глобал қудрат марказлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, шубҳасиз, Ўзбекистон ташқи сиёсатини янада диверсификация қилиш ва халқаро муносабатларда кучлар мувозанатини муваффақиятли таъминлашга имкон беради.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ анжуманидаги нутқи ҳамда АҚШда ўтказилган учрашув ва мулоқотлари мамлакатимиз ташқи сиёсатида муҳим воқеа бўлди. Чунки бир неча кун давом этган қизғин жараёнлар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати янги босқичга кўтарилгани ҳамда мамлакатимиз дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка очиқ эканлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Авазбек ШЕРМАТОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими

АКАДЕМИК НАИМ КАРИМОВ



Ўзбекистон илм-фани ва адабиёти оғир жудоликка учради.

Филология фани соҳасида атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Наим Каримов шу йил 17 сентябрь куни 91 ёшида вафот этди.

Н.Каримов 1932 йил 12 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, ушбу олий таълим муассасасининг аспирантурасида таҳсил олди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)да кичик илмий ходим сифатида бошлаган заҳматкаш ва фидойи олим кўп йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида мазкур институтда катта ва етакчи илмий ходим, бўлим мудири вазифаларида ишлади. 1962 йилда номзодлик, 1993 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2002-2008 йилларда “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси ҳамда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи раҳбари, 2008 йилдан ушбу музейнинг етакчи илмий ходими сифатида самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди.

Н.Каримов XX аср ўзбек адабиётини ўрганиш бўйича кенг қамровли фундаментал тадқиқот ва изланишлар олиб бориб, ушбу йўналишда ўзига хос мактаб яратди. Хусусан, маърифатпарвар жадидларнинг ҳаёти ва фаолияти, XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари ижодига бағишланган кўплаб монография ва тадқиқотлари, маърифий романлари ҳамда мингдан ортиқ илмий мақолалари, қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари адабиётшунослик фанига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Олимнинг мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи зиёлиларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг илмий-маърифий меросини оммалаштириш борасидаги хизматлари нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилган.

Серқирра олим жаҳон адабиётининг бир қатор сара асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиш баробарида, тарихий мавзуларда йигирмага яқин ҳужжатли фильмларни яратишда ҳам фаол иштирок этди.

Унинг бевосита раҳбарлигида кўплаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланган.

Академик Н.Каримовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонлари, “Эл-юрт ҳурмати” ордени ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Наим Каримовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, С. САЙИДОВ

Adabiy do‘stlik – abadiy do‘stlik

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТИ

Жорий йил 10-14 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида МДҲ Ижодий ва илмий зиёлилари форуми ҳамда мазкур форум доирасида МДҲ Давлат ахборот агентликлари раҳбарлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Форумда 2024 йили Самарқанд шаҳрига “Ҳамдўстлик Маданият пойтахти”, Тошкент шаҳрига “Ҳамдўстлик Ёшлар пойтахти” мақоми берилди.

Айтиш жоизки, аслида Ватанимизнинг икки қўҳна шаҳарларига бундай юксак мақомнинг берилиши маданий-маърифий соҳадаги янгиланишлар, ёшларга кўрсатилаётган улкан эътиборнинг халқаро миқёсдаги ўзига хос эътирофи, дейиш мумкин.




Мустақил давлатлар ўртасидаги маданий-маърифий, ижтимоий-гуманитар, ёшлар, туризм, спорт ва соғломлаштиришга доир тадбирлар билан бирга адабий дўстлик – абадий дўстлик, яъни ижодий ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилди. Форум жараёнида иштирокчиларга Қирғизистонда “МДҲ мамлакатлари ҳозирги адабиёти” туркумида чоп этилган “Ангемелер” (Ҳикоялар) китоби совға қилинди. Китобга ўзбекистонлик ижодкорлардан Исажон Султон, Зулфия Қуролбой қизи, Улуғбек Ҳамдам ва Назар Эшонқулнинг ҳикоялари киритилган.

ЎЗБЕК ИЖОДКОРЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ ҚОЗОҚ ТИЛИДА

Қозоғистоннинг “Tan-Sholpan” (“Тонг юлдузи”) журнали 2023 йилни “Ўзбек адабиёти йили” деб белгилаган. Шу муносабат билан журнал йил бошидан бери замонавий ўзбек адабиёти вакилларининг асарларидан намуналарни қозоқ тилига таржима қилиб чоп этмоқда.

Журналнинг босмадан чиққан навбатдаги 4-сонида ўзбек ижодкорлари – шоиралар Фарида Афрўз, Зулфия Мўминова, ёзувчилар Шойим Бўтаев, Нормурод Норқобиловнинг ҳикоялари қозоқ тилида босилиб чиқди.



“Tan-Sholpan” журнали адабий-бадиий нашр бўлиб, икки ойда бир марта 10 минг нусхада Алмати шаҳрида босилади.

Журналнинг йил бошидан бери чиққан учта сонида ёзувчилар: Хайриддин Султон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Наби Жалолиддин, Уйғун Рўзиев, Рисолат Ҳайдарова, Зулфия Қуролбой қизи, Баҳодир Қобулнинг ҳикоялари, шоирлар: Эшқобил Шукур, Ҳалима Аҳмад, Рустам Мусурмон, Муҳиддин Омон, Салим Ашур, Шодмонқул Саломнинг туркум шеърлари қозоқ тилида чоп этилди.

Жорий йилда журналнинг масъул котиби Дийдар Кулкенов Тошкентга келиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари билан учрашган эди. Учрашувда уюшма раиси Сирожиддин Саййид ўзбек-қозоқ адабий алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бораётгани ва бу учрашув кейинги ижодий режаларни келишиб олиш ҳамда амалга оширишга катта замин яратишини таъкидлади.

– Замонавий ўзбек адабиёти журнал ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда, – деди Дийдар Кулкенов. – Дарҳақиқат, икки қардош халқ ўртасидаги асрий адабий дўстлик алоқалари давом этиб келяпти. Биз замондош ўзбек ижодкорларининг асарларидан намуналарни қозоқ тилида ўқувчиларга туҳфа этганимиз, шу билан устозларимиз анъанасини давом эттираётганимиздан хурсандмиз.

“Tan-Sholpan” ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасидаги келишувга кўра, 2023 йил охиригача яна қатор ўзбек ижодкорларининг шеър ва ҳикоялари қозоқ тилига таржима қилиниб, журнал саҳифаларида чоп этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати

Yodnoma

Келган кетади, дейишади. Инсон тақдирининг муқаррар қонуни шундай. Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг яна бир улуғ намояндаси, йирик олим ва адиб, катта ва нозик қалб инсон академик Наим Каримов фоний дунёни тарк этиб, чин дунёга риҳлат қилди. У кишининг ёши мелодий ҳисоб бўйича 91 йил, ҳижрий ҳисобда 94 йилни ташкил қиладики, бу салкам бир аср деганидир. Умр сони билан эмас, салмоғи билан гўзал, дейдилар.

УМРИ АЗИЗ

Наим ака гўзал ва самарали умр йўлини босиб ўтдилар. Халқимиз бошига қўнган бахт қуши, истиқлол рўй берганида Наим ака анчагина улуғ ёш, бир кам олтмишда, адабиётшунослик бўйича бир неча китоб ва тадқиқот муаллифи эсалар-да, бор-йўғи фан номзоди эдилар. Лекин ҳозир биз биладиган улуғ олим ва адиб том маънода Истиқлол фарзанди, ушбу даврда камол топган алломадир. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров топиб айтганидек, “Кўп адиблар, олимлар каби Наим Каримов қайта туғилди. Истиқлол уни катта аллома га айлантирди, академик рутбасини берди. Кенг улуғ уфқлар очдик”.

Ўтган йили домла таваллудининг 90 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу санага бағишланган халқаро анжуман ташкил қилинди, анжуман материаллари салмоқли китоб ҳолида нашр этилди. Бутун мамлакат ўзининг маърифатли сиймолари тили билан Наим Каримовни шарафлади, шарафладигина эмас, бу шарафни туб илдизларини, тагзаминини очиб берди.

Тириклигидаёқ бундай шарафга эга бўлиш Тангри севган одамгагина муяссар бўлиши мумкин.

Наим Каримов илмий-бадиий ижодининг пафоси мустабид совет тузуми, хусусан, Сталин қатағонлари пайтида топталган ҳақиқатни тиклаш, уни чанг-ғубордан тозалаш бўлди, дея баралла айта оламиз. Бу борада яна устоз Иброҳим Ғафуровга мурожаат қиламиз:

“Наим Каримов асарларида адолатни тиклаш **эҳтироси** (таъкид бизники – С.М.) баралла акс этади. Шунчалар фактлар юзага чиқдики, уларда асл ҳақиқатнинг юзи, моҳияти очилди. Фактларнинг бари нидо ва фарёд билан тўладир”.

Архив материаллари билан танишув жараёнида бирга бўлганларнинг эслашича, Наим ака уларни йиғлаб ўқиган, улар ҳақида ёзганда йиғлаб ёзган экан. Бунга чилғин юрак қандай чидаш берган экан. Алломанинг азиз умрига нуқта қўйган инфаркт ҳам ўша азоблар аламидан орттирилган бўлса, ажабмас.

Жадид боболаримиз академик Наим Каримовнинг чинакам севгиси эди. Жадид зиёлиларимиз, уларнинг илм ва амаллари ҳақида гап кетганда устознинг юзлари ёришиб кетар, аччиқ тақдирлари эсланса, кўзларида беихтиёр ёш қалқар, бу олий ҳаяжон белгиси эди. Жабр-дийда боболаримизга нисбатан оташин севги фақат катта қалб соҳибигагина муяссар бўлиши тайиндир.

Наим Каримов XX аср ўзбек адабиёти ва умуман маданиятимизнинг тирик қомуси эди. Ҳамза ҳақида долзарб мақолалар, Абдулла Қодирий қомуси, Чўлпон ва Усмон Носир ҳақида маърифий романлар, Миртемир ҳақида ёниқ эсселар ёзганда ҳам адиб, ҳам зукко адабиётшунос эди. Ул зот буюк ёзувчимиз Ойбекни алоҳида меҳр билан севар ва ардоқлар эдилар. Ойбекнинг буюк романини Петров ғуборидан тозалаб, унингсиз “Қутлуғ қон”ни чоп этишга журъат қилган олим ҳам Наим Каримов бўлди. Буюк адибнинг бошланғич концепциясидаги роман нисбатан бошқача, миллий-озодлик руҳидаги асарга айланадики, роман сезимидаги бундай эзгу эврилиш айнан Наим Каримов хизмати ва жасорати мевасидир.

Олим муборак, азамат тўқсон ёшида ҳам бир нафас бўлса-да, фикрлашдан, ёзишдан тўхтамади. Бундай самарали умр барчага насиб этсин, деймиз. Мана бугун муҳтарам устозимиз орамизда йўқ. Лекин ул зот яратган асарлар ҳамон эл-юрт назарида ва маънавиятимизга камарбаста бўлиб хизмат қилмоқда. Атоқли олим ва адибимизнинг иккинчи абадий умри бошланди. Бу энди чинакам, ҳазрат Навоий сўзлари билан айтганда, умри азиздир.

Сувон МЕЛИ

Яҳё ТОҒА

СЎЗДАН ГЎЗАЛ ҚАСРЛАР ЯРАЛУР



ЛАЗГИ

Яйрагай жону дилинг
Лазги жаранглаганда.
Сайрагай хон булбулинг
Лазги жаранглаганда.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

Файзи ортар базмнинг,
Лабларга инар ханда.
Ул азим Хоразмнинг
Лазгиси янграганда.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

Сел бўлар дўсти надим,
Пошшолар бўлар банда.
Халқимизнинг энг қадим
Лазгиси янграганда.

Олакўз, бўй-бўйи ҳай,
Қоракўз, бўй-бўй.

“Сўйла менга, эй санам
Кимнинг севар ёрисан?”
Ошиғингдирман манам,
Шайдо дил хуморисан.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

Шайдо дил хуморисан,
Чақмоғисан, норисан?
Белимнинг зуннорисан-ай,
Бўйнимнинг тумморисан.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

Лолу ҳайронманов ман,
Йўлингда гадо бўлдим.
Раҳматжон Қурбоновман,
Кўйингда адо бўлдим.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

Тошиб тўлғай
Озодбек,
Аму бўлғай,
Сир бўлғай.
Тўлқин Жаббор,
Бунёдбек,
Оғабек Собир бўлғай.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

Омон-омон, омон-а,
Тузоқ қўй тўрт томона.
Шарманда этма, лекин,
Мени яхши-ёмона.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

Бир бор кўриб тушида
Қалби чилпарчин бўлди.
Яҳё Тоғанг ҳушидан
Айрилгани чин бўлди.

Олакўз, гал бари ҳай,
Қоракўз, гал бари.

ЖАВДАРИ НАСИҲАТ

Ёввойи гул бўлма,
Арпа бўл,
Сули бўл.
Ўпкада ўсганча,
Юракнинг кули бўл.

Отангнинг ули бўл,
Давранинг гули бўл.
Номарднинг
Бийи бўлма,
Жўмарднинг қули бўл.

ЗИЁФАТДАН СЎНГ

Меҳмонларнинг
Ярми қанд еб,
Ярми панд еб қайтишди.
Мезбон
Дўкай эдими ё,
Роса
Раҳмат айтишди.

Бировнинг
Бўлмади иши,
Ким нима,
Нечта еди...
Чақирилмиш ўн киши,
Қанд эса,
Бешта эди.

ОСМОННИНГ УСТУНИ

Осмоннинг устуни йўқдур,
Кангулнинг бутуни йўқдур.
Ҳажрингда оҳлар урарман,
Оҳимнинг тутуни йўқдур.

Каккунинг ўз ини бўлмас,
Ошпичоқнинг қини бўлмас.
Диёнат сўраб ўтирма,
Имонсизнинг дини бўлмас.

ОТАМ ҚАРИБ ҚОЛИБДИ

(Ўтган асрда битилган достондан парча)

Кечагина икки қоп унни
Ердан шартта узволадиган,
Сал мундоғроқ деворни
Битта урса бузворадиган,
Отам қариб қолибди.

Ҳар кўкламда ток кўкартириб,
Ҳар кўкламда шафтоли эккан,
Беш йил дайди ўқни оралаб,
Урушдан ҳам соғ-омон чиққан,
Отам қариб қолибди.

Бир арава пичанни
Яккаш ортиб келавергувчи,
Ҳанггиси ҳориб қолса,
Ўзи тортиб келавергувчи,
Отам қариб қолибди.

Билмай курорт, “балниса” нима,
Бизнинг ғамимизни еб юриб,
Болаларим рўшнолик кўрсин,
Улар одам бўлсин, деб юриб
Отам қариб қолибди.

Баъзан ичда қўзғолар кулги,
Қаранг, ўғлим отамдан дароз.
Умр – дарё! дегани шулми,
Кўҳна минор нурабди бироз,
Отам қариб қолибди.

Қарибди-ю, сўзлари дадил,
Бизга ҳазил-ҳузул гап қилар.
Мен эшитиб ўтираману...
Бир изтироб ични кемирар:
Отам қариб қолибди.

Отам, отажоним...
Қариб қолибди.

Ашурали БОЙМУРОД

ЮРАК ИМЛОСИ



СЕНИНГДИРМАН

Кел, гўзалим, дил уйида яшажакмиз,
Юраклари зардоблардан бўшажакмиз,
Дил боғига биз ҳам бир гул қўшажакмиз,
Ёнишларда, хонишларда тенгингдирман,
Эй, қаламқош, сенингдирман,
сенингдирман.

Адашганман, дея ўзинг койимагин,
Чеҳраларинг сўлғин эмас, бўлсин гулгун,
Сен қалбимга севги бўлиб кириб келгин,
Чангда қолган гул бўлсанг,
мен чангингдирман,
Эй, қаламқош, сенингдирман,
сенингдирман.

Тақдир мени раво кўрса, чекинмагин,
Сен ойсан-ку, ногоҳ кўкда бекинмагин,
Севиб яша, бошқа ишга эгилмагин,
Севги деган чек тушганда чекингдирман,
Эй, қаламқош, сенингдирман,
сенингдирман.

Мендан ўзга етмагайдир ишқ қадрига,
Дил сабабдир таратгувчи дил атрига,
Жоним фидо муҳаббатнинг ҳар сатрига,
Муҳаббатда ёлғиз ўзим бегингдирман,
Эй, қаламқош, сенингдирман,
сенингдирман.

ХОРАЗМНИНГ ОҲАНГЛАРИ

Хоразмнинг оҳанглари
Жайхун каби жўшқин экан.
Куй таралса ул тарафдан
Дилда боринг қўшгин экан.

Хоразмнинг навоси зўр,
Шоҳ куйи бор – “Лазги” эрур.
Эриб кетар ҳатто тошлар,
Қиш ҳавоси ёзги эрур.

Ёшуллилар чалинг дейди,
Куйлаш санинг галинг дейди.
Қўлларида қайроқиси,
Хоразмча чалинг дейди.

Хоразмнинг оҳанглари
Дилгинамни яйратади.
Шеър айтаман булбул бўлиб,
Хоразмча сайратади.

КУЁШ ЕРГА ЯҚИН КЕЛГАН КУН

Жазирама ҳаддан ошганда,
Нур денгизи тўлиб-тошганда,
Олов ёнар Нукус, Тошканда,
Ер тандирда пишдик бус-бутун,
Қуёш Ерга яқин келган кун.

Ҳансирайди Замин, коинот,
Юрак-қуёш, танингда нажот,
Фақат сендан ирода, сабот,
Сўраб турар табиат букун,
Қуёш Ерга яқин келган кун.

Ҳаммасига қодирдир Эгам,
Ҳаёт букун эмасдир бекам,
Қалб чароғон, бизларга не ғам,
Меҳр тафти бўлгайдир устун,
Қуёш Ерга яқин келган кун.

Hikoya

ОЛИСДА СЎНГАН ОЛОВ

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Равшан билан шу ерда, Кавказдаги даволаниш масканида танишдим. Анча вазмин, ўйи ўйноқи, қони қайноқи эмас. Мулоҳазаси бут, хулосаси сукут. Кўнглини китоб нурлантирганини икки-уч гапидан билиб олдим. Адибу адабиётни яхши кўраркан. Катта устозлар тугул, каминага ҳам меҳри мавж, у-бу ёзганларимдан хабардор денг.

...Ошхонада иккаламиз битта столни эгаллаганмиз.

Тушлик маҳали унга синчиклаб кўз солдим; сездим, кайфияти тундроқ. Дилининг доғи тилига азоб беряпти чоғи, негадир миқ этмаяпти. Уч кундан бери уни бугун шундай тушкун ҳолда кўришим.

– Шаштингиз паст, иним? Тинчликми? – сўрадим емакдан сўнг.

– Ака, қўяверинг. Ўзимнинг дардим бу, – синиқ жилмайди.

– Яхши нарсаларни ўйланг. Ҳаммаси ўтиб кетади.

– Ака, бир илтимосим бор. Агар эртага вақтингиз бўлса, бирга Ессентукига бормаймизми? Яна ким билади, ёлғиз ўзим борсаммикин?

– Очиқроқ гапираверинг. Зарур экан, албатта, бораверaман.

– Бир одам билан кўришишим керак.

– Ким билан кўришасиз? – Хаёлимда лаҳзада турли ўйлар чарх урди.

– Тоғам билан.

– И - е - е , яхши-ку...

– Яхши албатта. Агар иложи бўлса, ташқарида гаплашсак.

– Хўп, қани, турдик унда.

Бино бурчидаги одамдан ҳоли ўриндиққа бориб ўтирдик.

Мен Равшан ҳақида озми-кўпми, у-бу нарсани билиб олгандим. Тунов кунги суҳбатимиз чоғидаёқ юриш-туриши бинойи, фикр-мулоҳазалари анойи, қирқ беш ёшдан ошиб-ошмаган, ҳавас қилгудек тадбиркор ва уддабурон одам эканини ҳам ҳис қилгандим. Ўзи яшаётган туманда анча-мунча ишларни қилиб қўйибди. Элда иззати, юртда ҳурмати бор. Чекка, тоғ олди ҳудудида иккита завод қурибди, қурилиш ашёлари ишлаб чиқаради. Ҳатто хориждан ҳам харидор топибди. Довруғига довучча хол урадиган даражада. Бироқ, айтдим-ку, вазмин, ўзини анча босиб олган, пул ҳидидан маст бўлиб, турган жойида учиб-қўнмайди.

– Ака, тоғам онамнинг ёлғизгина укаси. Қишлоқдан чиқиб кетганига ўттиз беш йил бўлди. Онам шўрлик деярли ҳар куни йўл қарайди. Касалманд бўлиб қолган, кўзи ҳам хира тортган.

– Тоғангизга нима бўлган? Нега ундай қилади? Онангизни йўқламайдими?

– Ўн икки ёшимда отам қазо қилди.Тўнғич фарзанд эдим. Биз – беш нафар боланинг увол-савоби онамнинг гарданида қолди. Икки синглим ва икки укам.. Хуллас, аҳвол шу, денг.

Тоғам ўрис мактабни тугатган. Институтда ҳам Россияда ўқиди. Саксонинчи йилларнинг охирлари... Вилоят марказида ишларди, ёши ўттизларда эди. Россиянинг қайси бир бурчагидан келиб, тажриба орттираётган қизга ўралашиб қолди. Хотини ва уч яшар қизчасини ташлаб, ҳалиги ўрис қиз билан Россияга жўнаб кетди.

– Уни ҳеч ким тўхтатиб қололмадими?

– Қаёқда... Онам йиғлади, қарғади, бари бефойда. Кўзи кўр, қулоғи кар тоғам ҳовлисини ҳам сотди.

– Ҳиммм... Ановига банди бўлиб қолган экан-да.

– Кўч-кўронини йиғиштираётган маҳал онам бизни эргаштириб тоғамникига борди. Кенжа укам бир ёшга ҳам тўлмаган эди. Эсимда, онам укамни менинг қўлимга тутқазиб, ҳаллослаб югурди. Мен онамнинг орқасидан бақириб борардим. Кетса кетаверсин, йўқ бўлиб кетса ҳам майли, деб чинқирардим. Эсимни таниб қолган бўлсам керак-да.

– Нега келдинглар? Менга ақл ўргатма. Ўзим биламан, нима қилишимни, – деб ўшқирди тоғам. Онам шўрлик дарвоза кесакисига суяниб, ҳолсиз ўтириб қолди.

– Шу беш нафар жиянинг ортида тоғ бўлиб, тоға бўлиб туролмасанг, бир келгиндини деб томирингдан, эл-эломондан воз кечсанг, қанақа эркаксан, – дея уввос тортди. Қаёқда дейсиз?! Айтдим- ку, тоғам чиндан ҳамма нарсадан, ўзидан ҳам воз кечиб бўлганди.

– Сенинг ишинг бўлмасин! – Тоғам онамнинг қўлидан ушлаб катта кўчага чиқариб қўйди.

Мен чидаб туролмадим. Гўдак укамни сингламга бердим-да, дарвоза олдидаги челакни олиб тоғамга қарата ирғитдим. Шунда онам кулоқ-чаккамга шапалоқ тортиб юборди. Тоғамни қарғаб йиғлади. “Сени гулдай хотиннинг, норасида гўдакнинг уволи тутсин”, деди.

– Бас қил, ундан кўра манави кучукваччаларингга тарбия бер, – деб менга қўлини бигиз қилди. Онам бир қалқиб тушди. Сўнг бошини эгиб жим бўлиб қолди-да, индамай ортга қайтди. Биз унинг ортидан эргашдик.

Тоғам бизни кучукваччa дегани жон-жонимдан ўтиб, қонимни қайнатса ҳам онамнинг изидан сасимни чиқармай келавердим. Ҳамон тоғамнинг: “кучукваччаларингга тарбия бер”, деб бақиргани қулоғим остида жаранглаб туради.

– Кейинчалик тоғангиз билан бошқа кўришмадингизми? – дейман музтар тортиб.

– Кўришдим. Тошкентда Университетда ўқирдим. Онамнинг қистови билан бир вақтлар туманимизда тоғам билан ҳамкорликда савдо-сотиқ қилган бойваччадан манзилини олдим. Москвага жўнадим. Уйини топиб бордим.

– Нима қилиб юрибсан? – деди анграйиб.

Негадир онам сизни кўриб кел, ҳолидан хабар ол, деб юбордилар, деёлмадим. Билмадим, нега шундай бўлди. Хуллас, рўпарамда безрайган ёт кимса олдида ғуруримни ерга ургим келмади. Хаёлимда: “Онам кўчада қолгани йўқ-ку”, деган ўй кечди.

– Ўзим, шунчаки, сизни бир кўриб кетай девдим.

Шу тобда ўзимдан ҳам ижирғаниб кетдим.

– Москвада ишламоқчимисан? – деди гапни салмоқлаб.

– Ишласам ишлайвераман, – дедим атайлаб.

– Тушунарли...

Нима тушунарли?!

Негадир у билан жанжаллашгим келарди.

– Менинг уйимга пропискага ўтмоқчисан, мақсадинг шуми? – деди у ижикилаб.

Жон-поним чиқиб кетди. Кимдир қулоқ чакамга тарсаки тортиб юборгандек бўлди.

– Сен ифлоссан! – дедим-да, ортга қайтдим. Бор гап шу!

...Орага сукут чўкди. Равшан сигарет тутатди. Мен нима дейишни билмасдим. Бундай қўйга тушиб қолган “тоға”нинг таърифига ҳеч бир сўз тополмасдим. Шунақаси ҳам бўларканда, деб ўйлардим.

– Ундай бўлса, яна нимага кўришишим керак, деяпсиз? Бундан нима маъни бор? – дедим ердан кўз узмай.

– Айтдим-ку, онам бетоб. Бошимизга қиёмат соляпти. Кўнглимни бир чети гўристон бўлиб ётибди, тоғангни бир кўрай, излаб топинглар, деб йиғлайди. Охирги пайтлар ётиб қолди. Икки кўзи эшикда. Томоғидан овқат ҳам ўтмаяпти.

– Тушундим.

– Нима қилай? Москвага учдим. Унга ялиниб-ёлвормоқчи эдим. Онам, сенинг опанг, сени кўрмоқчи, деб дод солмоқчи эдим. Уйига бордим. Хотини билан дам олиш учун Ессентукига кетган экан. Хизматкорига пул узатувдим манзили-ю, ҳатто, телефон рақамини ҳам ёзиб берди. Қўнғироқ қилдим. “Онам сўнгги бор сизни кўрайин деяпти. Эртага ёнингизга учиб бораман. Ҳеч бўлмаса, бораман, деб телефонда гаплашинг” дедим. Анчагача жим турди. Бўпти, кейинги ҳафта кел, деди.

Шу куниёқ бу ёққа учдим.

Ессентукидаги санаторияларда жой йўқ экан. Бу ерга келиб жойлашдим. Мана, ҳафта ҳам ўтди, эртага боришим керак.

– Бўпти, албатта борамиз, – дедим мен.

...Йўлга чиқдик. Шаҳар четидаги ҳашаматли санатория эшиги олдида қўрикчи ҳужжатларимизни текширди.

Керакли одамга қўнғироқ қилинглар, деди. Равшан “тоға”си билан телефонда гаплашди. Бизни ичкарига киритишмади. Фаввора ёнидаги ўриндиққа ўтирдик. Кутаяпмиз. Равшан ҳаяжонланяпти. Менинг ҳам аҳволим уникидан кам эмас. Бир маҳал улкан ойнаванд эшик икки ёнга сидирилиб очилди-да, гуржи кучукни боладай қилиб кўтариб олган, хўппа семиз, эгнига ёшига номуносиб, енгсиз ҳарир илвасин илиб, тизза иштон кийган шляпали кимса чиқиб келди. Ортидан оппоқ този итни етаклаган дароз жувон ҳам кўриниш берди. Жувон нариги ўриндиққа бориб чўкди. Ҳалиги шляпали кимса бизга яқинлашгач, ҳардамхаёл бўлиб ўтирган Равшан ўрнидан дик этиб турди. Улар бир - бирига қараб қолишди. Шляпали томоқ қирди. Мен унинг ўсиқ қошлари остидан қаҳр билан тикилган нигоҳи, қон қочган юзида қотган тушуниксиз бир ифодани англаб, “тоға” деган шўрамат шу бўлса керак, деб ўйладим. Буни рўйи – турқига ўзбекликка ёт ҳамма нарса сингиб кетгандай туюлди.

– Сенмисан? – деди шляпали ўкрайиб.

– Менман, – деди Равшан.

Шляпали ўриндиққа чўкди. Равшанга зимдан назар солди. Кўксидаги кучукчанинг бошини силади. Борлиқни сукунат ютди.

– Нима гапинг бор ?

– Т... Т... Шу, хуллас, онам бетоб. Сизга илҳақ бўляпти.

Қаҳркўз шляпали атрофига, аниқроғи, анови дароз хотин томонга бир қараб қўйди. Шу тобда нариги курсидаги дароз жувон ўрнидан туриши ҳамона оқ този ит унинг олдига тушиб, хонимни биз томонга етаклаб кела бошлади. Ҳа, ит уни биз томонга етакларди. Аёл бизнинг қаршимизга келган чоғда “тоға” ўлгур унга русчалаб гап қотди:

– Улар мени йўқлаб келишибди.

Жувон худди қаршисида ўзга сайёраликлар турган каби бизга анграйиб, киноя биланми, чинми, ишқилиб, шундай деди:

– Д-а - а, я очень рад.

У менинг ёнимдаги курсига келиб ўтирди.

– Болалар энди пихи-хихи қилмасдан, русча гаплашамиз. Ҳар ҳолда..., – деб жувонга бош ирғаб қўйди. – Русчани биласизларми, ўзи? Кеннойинглар олдида русча гапиринглар.

Менинг кўксим қаърида нимадир узилиб кетгандай бўлди, юрагимда оғриқ кўзғалди. Равшаннинг лаблари пир-пир учди.

– Туринг, энди тушунарли. Қайтамиз, – дедим Равшанга.

– Тўхтанг ака, гапимни гапириб олай. Равшан “тоға” ва жувоннинг юзига қараб, оғир хўрсинди. “Тоға”нинг кўксида талтайиб турган кўйи тилини чиқариб ҳансираётган гуржи кучукка яқин келиб, унинг бошчасига секингина чертиб қўйди ва хонимнинг ёнидаги оқ тозига ҳам бир боқиб, илжайди.

– Шу кучукваччаларни тарбия қилиб юрибсизларми? Майли, юраверинглар. Менинг онам эса бир этак кучукваччани эмас, инсон боласини инсон қилиб тарбиялади. Ҳа, қарғиш ёмон... Ёмон экан... Сенларнинг куниг шу кучукваччаларга қолган, – деди.

У рус тилида шундай равон ва таъсирли гапирдики, ҳангу манг бўлиб қолдим. “Тоға” шўрлик ҳансираб, юз-кўзини дастрўмол билан арта бошлади. Хоним эса илон чақкандек бир сапчиди-да, Равшанга қараб бақрайиб, тош қотди. “Тоға” ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Равшан ғазаб билан ўшқирди:

– Ўт -и-и-ир!!

“Тоға” карахт бўлиб қолди. Равшан энгашиб унинг юзига нафрат билан тикилди:

– Рус тилини биламан. Сенчалик биламан, лекин ўзбек тилини отамдай буюк, онамдай улуғ, боламдай азиз, юртимдай муқаддас кўраман. Сенда... Ҳа, сенда шу нарса йўқ. Сенинг томинг ўйилиб, ўша ердан иймонинг оқиб кетган.

Равшан бу гапларни ҳам русчалаб айтдики, очиғи, умрим бино бўлиб, “томнинг ўйиғидан иймон оқиб кетган” каби иборани эшитмагандим. “Тоға” эс-ҳушидан айрилган одам сингари хунук илжайди-да, хотинига қаради. Хотинининг ҳам ранги ўчди. Гезариб - бўзариб ўрнидан турди-да, ит етовида туёғини шиққиллатиб қолди.

Равшан курсига чўкди. Қўлини дуога очиб, юзига фотиҳа тортди. Тиловат қила бошлади:

– Аъуузу биллаҳи минаш - шайтоониир рожиим. Бисмиллаҳи роҳмаaниир - роҳийм. Алҳамдилуллаҳи роббил - ъааламийн...

У фотиҳани адо этиб, дуога яна қўл очиб, юзига тортди.

– Энди қайтдик, ака, – деди ўрнидан туриб. – У аллақачон ўлган экан. Ҳа, ўшандаёқ ўлган эди. Жигар экан-да, онамиз буни тан олмаганди. Энди бориб, унинг ўлганини айтаман.

... Биз изимизга қайтдик.

Машина орқа ўриндиғига чўккан куйи хаёлга ботиб, кўзларини юмиб олган Равшанга бирор сўз айтиш, тасалли беришга ожиз эдим. Шу маҳал унинг қўл телефони жиринглаб қолди.

– Укам қўнғироқ қиляпти. Телефонни ҳозир онамга беради, – деди овози титраб.

Мен Равшанга қарадим. Телефон ҳамон жиринглаяпти. Гаплаша қолмайди. Назаримда, шу матоҳ ҳозир бомбага айланиб, портлаб кетадигандай.

– Телефонга жавоб берсангиз-чи, – дедим тоқатимга ўт кетиб, – ахир...

Равшан туйқус ингради.

– Ассалому алайкум, меҳрибоним, жоним онам! Соғлигингиз яхшими, онажон?!. Ҳа, ҳа, онажоним, кўрдим. Яхши. Яхши, тоғам яхши. Ҳозир биргамиз, – деди иҳраб ва телефонни менга узатди.

Мен нима қиларимни билмай, эсанкираб турдим.

– Олинг, жон ака, бирор нарса денг, онамнинг аҳволи оғирга ўхшаяпти...

Мен гарангсираган кўйи телефонни қулоғимга тутдим. Ожизона, хаста бир ингроқли, синиқ сас эшитилди:

– Қудратжон... Қудратим, ўзингмисан иним? Омонмисан? Худога шукр, овозингни эшитдим... Келаяпсанми, жоним укам?... Кел... Сени бир кўрсам, кейин майли...

Бўғзимга нимадир тиқилди, ич-ичимдан йиғи тошди. Кўз олдим хиралашиб, юзимни изтироб ёшлари куйдирди.

– Опажон, менман. Яхшиман. Ўзингиз яхшими, опажон?! Бораман, бораман, опажон...

Тилимга бошқа гап келмади. Чидай олмадим. Телефонни ўчирдим. Ботинимда ўт ёниб, аъзойи таним қақшади. Ичимдан отилган йиғини тўхтатолмасдим.

Qalb va qiyofa

СУКУТ ВА ДОНОЛИК ИШОРАТЛАРИ

Адабиётимизнинг катта авлод вакиллари, айнан 50-йиллар атрофида таваллуд топганлар адабиёт саҳнига чиққан даврда, яъни 80-йилларда аксарият Шарқ мамлакатлари мустамлака асоратидан қутулиб, бир силкиниб, ўз қаддини, қадрини тиклаб, катта йўлга чиқиб олган эди. Тарихга назар ташласак, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, яъни уруш вайроналари тикланиб, 60 - йиллардан эса бошлаган ирқий, миллий эркни қўмсаган шабадалар бутун дунё адабиётида, умуман, маданий ҳаётида янгича яшашни ва ижод қилишни истайдиган ёш авлодни вужудга келтирди.

Айни шу вақтда ўзбек адабиётига ҳам ўз қирғоғига сиғмаётган дарёнинг тошқин тўлқинлари сингари бир қатор истеъдодли ёш шоирлар кириб келдилар. Улар ўз овозларини баралла қўйиб, назм ва наср гулшанини ўзига хос бетакрор нағмалар билан тўлдира олдилар.

Иллар ўтиб, ўша пайтларда ёш ҳисобланган авлод бугунги кунга келиб салобатли ва салоҳиятли катта ёзувчи-шоирларга айланишди. Бу даврда айрим ижодкор зиёлилар онгу тафаккурида ҳар хил қарашлар, янги бозор муносабатлари шароитига мослашишга уриниш, ўзлари орзу қилган мустақиллик насимларидан ғурурланиш ҳолатлари, моддий имконлардан фойдаланиш, фаровон яшаш завқи ва ҳоказолар кузатилди. “Кангул” сардори эса, ҳеч қандай оғишларга берилмади. Бир умр “кангул”га, шунинг баробарида виждонига, инсонлигига, адабиётига, шеъриятига, “ўзининг журналига” (40 йилдан ошибдики, “Шарқ юлдузи”да ишлайди) содиқ қолди.

Гап ким ҳақида кетаётганини зукко ўқувчи англаган бўлса керак. Биз ҳазрат Навоийнинг мисраи олийсини бекорга келтирмадик. Туркий тилдаги қадимий “кангул” сўзига (Навоий ижодида ҳам худди шундай тарзда учрайдиган ўринлар бор) жон берган ва шу “маҳбуба”га содиқ қолган, шоир ҳам удир. Шоир Икром Отамурод бир умр “кангул”ни севди ва ўз “маъшуқа”си – “кангул”нинг камолини кўриш иштиёқида уни шарқ ва ғарб адабиётининг гўзал намуналари билан озиқлантирди, яъни жаҳон адабиётини ўқиб-ўрганди ва таржималар қилди. Назаримизда, бир умр муҳаббат билан парваришланиб камолга етказилган “кангул дарахти” улканлашгач, донолик “мева”ларини бера бошлади: “Доғ”, “Урин”, “Балки”, “Жадвал” достонлари, айниқса, кейинги йиллардаги шеърлари...

Икром Отамурод тўғрисида бир қанча мақолалар эълон қилинди. Ҳатто унинг достонлари ҳақида уларни “достон жанрига киритиб бўлмаслиги” ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Балки, ростдан ҳам, шоирнинг достонлари достон жанри ҳисобланиши учун анъанавий достон талабларидан бироз чекинишга тўғри келар. Гап шундаки, жанрдаги бундай ўзгаришни ўз-ўзидан содир бўлган ҳодиса, деб эмас, ижтимоий ҳаётдаги қонуний янгиланишларнинг шеъриятдаги ифодаси сифатида тушунмоқ керак, назаримизда.

Икром Отамуроднинг “Жадвал” достони ҳақида фақат 2016 йилда учта мақола ёзилди: Булар У.Жўрақуловнинг “Ҳузн саодати” (“Шарқ юлдузи”, 2016 йил 7-сон (достонга сўзбоши ўрнида)); И.Ёқубовнинг “Аттор растаси ифорлари ва Навоий базми наволари” (муаллифнинг ўзидан олинди); Комил Авазнинг “Мушоҳада мундарижи” (“Ҳуррият” газетаси, 2016 йил 7 декабрь сони).

Биринчи мақола муаллифи “Жадвал”даги фикрларни Навоий ҳамда Огаҳийга, иккинчи мақола муаллифи Фаридиддин Аттор ва Навоийга, учинчи мақола муаллифи тасаввуфга боғлайди. Аммо буларга кичкина бўлса ҳам далил келтирилиб фикрлар исботланса, янада яхши бўларди.

Икром Отамуродни инсоний ҳолатлар мусаввири, дейиш мумкин. Унинг бир оний кайфият ҳақидаги шеъри ҳам, бутун бир умр тўғрисидаги асари ҳам сокин, сиртдан тинч дарёга, тўғрироғи, денгизга ўхшайди. Асарларидаги образ ҳеч қачон “тўлиб-тошиб” кетмайди, гўё тўлқинлари қирғоққа урилиб ўзанига қайтгани сингари, яна биринчи куплет такрорланади ва шеър якунланади. Рассом чизгандек, кайфиятнинг авж палласи – оний ҳолат! Шу ўринда “Шундай билинади зайли-зайлида...” деб бошланувчи шеърини кузатайлик. Лирик қаҳрамон ёлғиз ва имконсиз: “Яккалик пичоғи эса суякка қадар” қадалади.

Қайгадир йўл олгим келар, дилхаста,
Барига қўл силтаб, баридан кечиб.
Лекин, ҳовурга ҳай бераман аста
Сабримнинг милт-милт ёшини ичиб.

Шеър давомида бўёқлар тобора қуюқлашади, ҳолат тасвири кучаяди ва лирик қаҳрамон уни ҳам дунё чорлашини хитоб қилиб сўрайди (авж ҳолат), аммо шеър якунида ўша дастлабки ҳолатни акс эттирган тасвир – куплет қайтарилади. Бу шеърни автопортрет дейиш мумкин, янаям аниқроғи, у Ўзбекнинг портрети, ҳолати, яшаш тарзи. Ўзбек ҳеч қачон ўзини ўйлаб муҳитидан, болалари - оиласидан кетиб қолмайди, сабр қилади, “ҳовурига ҳай беради” ва яшашда давом этади. Ахир, унинг “жўжабирдай жонлар”и бор. Шоирнинг аксарият шеърларида шундай мазмун мужассам. “Йиллар ортда” шеърига эътибор берайлик.

Йиллар ортда қолиб боради секин
Гоҳида задали, гоҳида бекин.
Бир маъни топиб ё топмайин, лекин,
Сездириб-сездирмай ўтади умрим.

Бу шеърда барча умрларга хос умумий хусусиятлар акс этган. Ҳақиқий муҳаббат соҳиби ўзидан бир умр қониқмай яшайди, умридан ҳам. Умр тасвири шеър якунида яна дастлабки мисралардагидек такрорланади. Бу услубда шоирнинг фалсафий қарашига ишора бор, яъни ҳамма нарса ўз ибтидосига қайтади.



Шоирнинг образларидан кескин, залворли ларзаларни кутиш бефойда. Унинг шеърларини ўқисангиз, ўз ҳаётидан нолишни истамайдиган, лекин дунёнинг адолатсизлигига ҳам бефарқ қараб турмайдиган, дунёнинг ҳам, ўз кўнглининг ҳам ободлигини истайдиган образларни учратасиз. Улар тақдирига кўнган, сабрли, дардларини очиқ айтмагувчи мағрур инсонлар тимсолидир. Уларда асли шоир шахси мужассам. Бу образлар француз шоири Рене Шаррнинг шеърларини ёдга солади. Зотан, Рене талқинича, энг яхши яшаш – ҳеч кимга ҳалақит бермай яшашдир. “Тағаззул”да бундай портретлар талайгина. Мана бир шеърдаги деҳқон “портрети”:

Ернинг расмин чизмиш тақдири азал –
Меҳнат қилиб деҳқон пешонасига.
Шундан қадрдондир, ёрон ҳар маҳал –
Дил очар, дард ёрар Ер-ошносига.

Бу деҳқон ер билан яшаб, ер билан улғайган. Ер деҳқон учун шунчаки ризқ манбаи эмас, ер унинг учун ўзликни ифодалаш воситаси. Деҳқон ерини “гуллатиб қўлида қадоқ кўкар”тиради. Аламини ҳам, дардини ҳам меҳнатдан олади, меҳри-муҳаббатини ерига беради, бола-чақа боқиш умиди билан. Ерида меҳнат қилиш унинг учун роҳат. Шеърдаги деҳқон сурати типик, мукаммал яратилган. У фойдани кўзламайди. У ерни севган фидойи деҳқон образи. Ва у, албатта, бугунги тадбиркор ҳам эмас. У асрлар бўйи ерни кўкартирган фидойи. Шеър бир оддий деҳқон ҳақида. Агар инсон бутун борлиғи ва руҳини ифодалаш воситасини топса ва унга бутун вужуди билан фидо бўлсаю худди ана шунинг ўзи буюк саодат. Айниқса, унинг иши буюк яратувчанликдан иборат бўлса, айниқса, бу инсон деҳқон бўлса-ю, ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини Ерида, меҳнатида кўра олса.

Туфроқнинг тафтидан илиб қалб қати,
Туфроқнинг ҳидини симирар тўлиб.
Ердан айрилган кун бўлади етим,
Ердан айрилган кун... Ўлим.

Шеърдаги деҳқон Ерни азал-абад шундай қабул қилади. Чунки ер боқади, овутади, керак бўлса, деҳқон дардини олади. Бу айнан шарқона ҳикмат, эътиқоднинг юксак намунаси. Чунки ерини севган соҳир деҳқоннинг Яратганга ишқи чексиз бўлади.

Юқорида Икром Отамуроднинг шеърларига кескинлик хос эмас, дедик. Ерини севган деҳқон учун ундан айрилиш – ўлим. Шеърда бундай конфликтни ҳам шоир оддий, фожиали тус бермай тасвирлайди: “Ердан айрилган кун... Ўлим”. Ва шеър тугайди. Ўз туққан ери – “Қашқадайро”сини севган шоир буларни ўз тийнатидан ўтказган бўлса, ажаб эмас.

Тўхтади, йўлни безаб кетаётган аёл,
Очилган гулга нигоҳи тушиб бирдани.
Ул мисоли яноғга нақш этилган хол,
Ўтлар орасида ўсар, ёлғиз – бир дона.

Манзаранинг табиий бўёқларда чизилиши, атиргул ҳовлини безагандек, ўтиб кетаётган аёлнинг йўлни безаши каби бадиий ифодаларни соқит қилиб, қофияга эътибор қаратайлик. “Бирдани” ҳамда “бир дона” кабиларнинг қофияланиши ўзига хос, “икромона” қофиядир. Бундан ташқари, шоир маълум сўз бирикмаларини қўллашдан қочиб, янгича тасаввур берадиган иборалар топади: ой нури эмас, “Тўкилади ойдан бўлаклар”.

Умуман, шахснинг ботинида улкан, жуда ҳам улкан, англаниб-англанмаган миллий маданий менталитет унсурлари туради. Масалан, мен шоир Икром Отамурод ижодиёти ортида минглаб йиллар ҳунармандлик билан шуғулланган ўзбекнинг ўтроқ халқ маданияти хусусиятларини, айнан Касбининг тарихий турмушига хос тарихий тафаккур тарзини илғайман.

Икром Отамурод шеърлари ҳақида сўз юритганда кўз ўнгингизга “Жадвал” достони келаверади. Достонни бир-икки марта ўқиш кифоя қилмайди. Уни ўқиб уқмаслик эса, худди боғга кириб, гулларнинг латофатини, булбулнинг хонишини сезмасдан ўтиб кетгандек гап. Асарни тушуниш ҳам осонмас... умуман, шоир достонлари алоҳида таҳлил, талқинни тақозо этади.

Гулшан РАҲИМ,
филология фанлари номзоди

Mulohaza

НАВОИЙ “ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСЧИСИ”МИ?


Boshlanishi 1- sahifada

Югнакийнинг *“Қадимги ўзбек адабий тилидан классик ўзбек адабий тилига ўтишда... кўприк бўлиб хизмат қилган”* “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарини тадқиқотчилар ўша замон ва кейинги давр ижодкорлари учун адабий тил намунаси бўлганини қайд этадилар.

Алишер Навоийдан роппа-роса тўрт юз йил олдин умргузаронлик қилган Аҳмад Яссавийнинг туркий оламга машҳур ҳикматлари ҳам ана шу туркий-ўзбек адабий тилига мансуб эмасми? Атоқли ёзувчи, олим Пиримқул Қодировнинг бу ҳақда куюниб ёзишлари бежиз эмас: *“Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг адабий мактаби шарқда Мўғулистон чегараларигача, шимоли-ғарбда Волга бўйларигача, жанубда Мисргача бўлган шундай кенг ҳудудларда ижод қилган шоирларни бир адабий тил атрофига жипслаштиргани ва хилма-хил шеваларда сўзлашган туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий бир дорилфунун бўлиб хизмат қилгани илм-фанда ҳали ўзига яраша баҳо олгани йўқ”. “Буюк ватанпарвар Аҳмад Яссавий XII асрдаёқ она (эски ўзбек-туркий – Қ. К.) тилимизнинг ҳимоячиси ва тарғиботчиси бўлиб майдонга чиққан”.*

Тўғри, Навоий асарлари тили билан Югнакий, Яссавийларнинг тили ўртасида сезиларли фарқ бор, лекин бу табиий ҳол-ку. Бошқа соҳалар каби тил ҳам ҳар турли ўзгаришларга учраб, такомиллашиб боради-ку. Қолаверса, ҳар қандай адабий тил жонли сўзлашув тили асосида вужудга келади.

Яна Навоийгача бўлган мумтоз адабиётимизнинг машҳур намояндалари – Аҳмад Яссавийнинг издоши, тасаввуфнинг йирик вакили Сулаймон Боқирғоний, *“ўзбек тилида наср билан ёзилган”* “Қисаси Рабғўзий” асари муаллифи Носириддин Рабғўзий, “Юсуф ва Зулайҳо” ҳақидаги Қуръоний қиссани *“биринчи бўлиб ўзбек тилида назм билан баён этган”* (таърифлар ижодкорлар ҳақидаги мақолалардан олинди – Қ.К.) Дурбек, Низомий Ганжавийнинг “Хисрав ва Ширин” достонини ўзбекчага эркин таржима қилган Қутб Хоразмий, *“XIV аср ўзбек адабиётида дунёвий лирика ривожига катта ҳисса қўшган... ўзбек адабиёти тарихида нома жанрини бошлаб берган”,* яъни Олтин Ўрда хони Жонибекнинг яқин кишиси Муҳаммад Хўжабекнинг *“туркий тилда бир китоб ёзиб бериш”* тўғрисидаги илтимосига биноан “Муҳаббатнома” битган яна бир Хоразмий, туркий лисонда Навоийдан олдин хамсачилик анъанасини давом эттиришга киришиб, “Маҳзан ул-асрор” номли асар ёзган Хайдар Хоразмий, шунингдек, Хўжандий, Юсуф Амирий, Гадоий, Муқимий, Сайид Аҳмад, Яқиний, Аҳмадий, Ҳусайнийлар-чи?.. Буларни ҳам қўя турайлик, Навоийнинг ўзи устоз мақомида кўрган Атойи, Саккокий, Лутфий ва бошқа адибу шоирларимизнинг салмоқли, умрбоқий асарлари, девонлари, форсийдан ўгирган таржималари Ҳазрат ижод қилган, росмана шаклланган ўзбек (туркий) адабий тилида (лаҳжа, шеваларда эмас!) яратилган ва ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намуналари сифатида эътироф этилади-ку!



Яна бир муҳим далил: Навоийдан қарийб бир аср аввал яшаб ўтган ва жаҳон лирикларининг сардори Ҳофиз Шерозий билан қиёсланадиган Ҳофиз Хоразмийнинг буюк даҳомиздан юз йиллар илгари икки залворли китобдан, 18632 байтдан иборат девон тартиб берганига нима дейсиз? Филология фанлари доктори, ўзбек мумтоз адабиётининг оташин тадқиқотчи ва тарғиботчиси, Ҳофиз Хоразмий девонини Ҳиндистондан топиб келган Ҳамид Сулаймон *“қадимий ўзбек адабиёти ва адабий тилининг ажойиб, бебаҳо ёдгорлиги бўлмиш”* мазкур девон муаллифига комил ишонч ва ғурур билан *“Бадиий маҳорат ва ўзбек тилида гоят содда ва равон ғазаллар яратишда уни Навоийгача бўлган ўзбек адабиётининг беназир устози деса арзийди”,* дея баҳо берган эди.

Булардан ташқари, Навойнинг ўзи ҳам “Мажолис ун-нафоис” асарида ўзидан аввал ўтган ё яқин замондоши бўлган қирқдан зиёд туркигўй шоирларни тасниф қилиб, уларнинг байтларидан мисоллар келтирган ва юксак таърифлар берган. Шунингдек, у *“Соҳибқирон Амир Темурнинг издош фарзанди Шоҳрух султон ҳукмронлиги даврида турк тилида ижод қиладиган бир гуруҳ шоирлар пайдо бўлдилар”* деб ёзган-ку?..

Пиримқул Қодировнинг ўзбек адабий тили тарихи ва тадрижини тадқиқ этишга бағишланган “Тил ва эл” китобидаги *“Алишер Навоий – ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтарган сиймо”* деган хулосаси мақбулроқ ва тарихий ҳақиқатга яқинроқ. (Бу баҳо ҳазратнинг обрў-эътиборига, юксак мартаба-мавқеига заррача путур етказмайди, деб ўйлаймиз). Лекин, ажабки, устоз адиб ҳам ўша мақоланинг ўзида: *“...Навоий ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тилининг асосчиси бўлиш билан бирга...”* деган иборани қўллаган. Ҳолбуки, адиб шу асарида *“Қадимий достонлар ва тош битикларда кўринган мардона услуб, моҳият ва маънони туркий тилда қисқа, лўнда ва ростгўйлик билан ифодалаш анъанаси янада яққол кўзга ташланадиган “Темур тузуклари”нинг ўзбек адабиётида бундан олти аср бурун реализмни бошлаб берган автобиографик асар”*лигига, бундан ташқари, Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий қаламига мансуб, адабиёт назариясига оид “Фунуни балоға” номли илмий асарининг адолатли темурий ҳукмдор, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек даврида (ХУ асрнинг биринчи ярмида) *туркий тилда* яратилганига алоҳида урғу берган. Барҳаққи, агар эски ўзбек-туркий тили бўлмаса, ушбу тилдаги автобиографик ва илмий-назарий манбалар қандай вужудга келарди?

Филология фанлари номзоди Машариф Сафаровнинг бу ҳақдаги қараши янада кескинроқ: “Ўзбек тилида ёзилган асарлар XIV асрдан, яъни умумхалқ ўзбек адабий тили пайдо бўлганидан кейин вужудга келди”, деб ёзади у. (“Ҳуррият” газетаси, 2007 йил 19 декабрь сони). Хўш, *умумхалқ ўзбек адабий тили* айнан ана шу асрда қандай пайдо бўлиб қолди, мазкур тўхтамга қандай асосларга кўра келинди ва “асарлар...” дейилганда кимларнинг қандай асарлари кўзда тутилмоқда?.. Агар шундай бўлган бўлса, янги тил олдинги тилдан қайси жиҳатлари билан фарқланарди?..

Эҳтимол, “асосчилик...” фикрини дастлаб Навоийдан олдинги мумтоз адабиётимиз билан чуқурроқ таниш бўлмаган русийзабон олимлар (академик Н.И.Конрад ва бошқалар.) соҳанинг пири комили ижодига ҳайратини ифодалаш учун айтса айтгандир. Балки бу тамойил туфайли ҳазрат бобомиз хизматларини мумкин қадар мукаммал ва янада ижтимоий қилиб кўрсатишга уринишдан бошлангандир. Мабодо бундай ёндашувни “туркий” каломининг “ўзбек”га айланиши билан боғлиқ десак, Навоий (ҳатто Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва ундан кейинги ижод аҳли ҳам) ўзларини “ўзбек шоири” дейишмаган ва умуман, у даврларда “ўзбек адабиёти” деган атама қўлланмаган. *“Ўзбек халқи 1924 йилга қадар шарқий турк тилида ёзилган ёзма обидаларда турк номи билан юритилди,* деб ёзади бир умр шу борада тадқиқот олиб борган, чунончи, “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарининг фонетик ва морфологик хусусиятлари” мавзусида номзодлик, “XII – XIII асрлар ёзма ёдгорликларининг фонетик хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган олим Қозоқбой Маҳмудов “Қадимги Туркистон” китобида.

Борингки, истилоҳида ҳарфий-зоҳирий ўзгариш юз берган тақдирда ҳам, мавжуд тилнинг моҳияти, тузилиши ўзгариб, бошқатдан асос солинадиган тилга айланиб қолмайди-ку. Бир мулоҳаза: мумтоз адабиётимиз, классик шоир-адибларимиз ҳақидаги мақолаларда кўпинча “туркий” ва “ўзбек” сўзлари ёнма-ён, лекин алоҳида-алоҳида ишлатилади. Масалан, 4 жилдли “Ўзбек адабиёти”нинг 1-чи жилдида Мавлоно Лутфий ҳақида “...ўз замонининг *туркигўй*... донгдор шоири...” таърифидан сўнг “*Ўзбек тили*даги шеърлари...” дея давом этиладики, бу, шубҳасиз, ўқувчини чалғитади, иккилантиради. Яна, масалан, юқоридаги китобда Юсуф Амирий, Сайид Аҳмад ва бошқаларнинг ҳам “асарларини *ўзбек тилида* ёзган”лигига, Отойининг эса, *“...ўзбек адабиётининг юксалишига катта ҳисса қўшган”*лигига урғу берилади. Демак, ўзбек адабиёти Навоийдан аввал ҳам бор экан-ку! Бизнингча, ана шундай ҳар хилликларга, чалғитишларга барҳам бериш учун миллатимиз, миллий адабиётимиз ўтмиши хусусида сўз борганда *“туркий-ўзбек”* ёхуд *“ўзбек (туркий)”* шаклини қўллаш маъқулмикин?

Навоий ”Муҳокамат ул-луғатайн”да турк тилини араб тилидан ташқари ер юзидаги яна уч *“асл ва мўътабар”,* қадимий ва асосий тиллар(турк, форсий ва ҳиндий) дан бири сифатида зикр этиб, туркий тилда ижод қилишга жазм этиши сабабини шундай изоҳлайди: *“Аммо шуур ёшиға қадам қўйилғанда Ҳақ субҳона ва таоло таъбимға ғаройиботлар сари майлни зотий, диққат ва заҳматкашликка жасоратни туғма қилгани учун мушоҳада ва мулоҳаза мени туркий тилга йўллади: шундай зеб-зийнатли бир олам кўз олдимда намоён бўлдики, ўн саккиз минг оламдан ортиқ, ва таъбимга шундай фазлу юксаклик осмон табақаси очилдики, тўққиз фалакдан ҳам баланд, бир хазина учрадики, дурлари юлдуз гавҳарларидан ҳам ёруғроқ, бир гулшан йўлиқди: гуллари осмон сайёралари бегона қўллар дахлидан омонда”.*

Агар ушбу тил ўзидан аввал мавжуд ва шоёни эътиборга сазовор бўлмаганида Навоий унинг фазилатларини шунчалар ҳайрату ҳаяжон, он қадар эҳтирос билан ўн саккиз минг оламга қиёс этармиди?

Мен навоийшуносликка зинҳор даъвогар эмасман, бунга ҳаддим ҳам сиғмас, фақат ҳайронманки, нега энди ўз маданиятимиз тарихини, маънавий-маърифий камолимиз ибтидоси ва босқичларини белгилашда жуда муҳим бўлган омилни кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга оламиз, унга беписандлик билан қараймиз? Навоийни улуғлаш учунми? Ахир, ҳазратнинг бошқа буюк фазилатлари, фавқулодда ва бетакрор истеъдодининг ўзи уни ҳар қанча эъзозлаш учун етиб ортади-ку?! Ё “асосчиси” деган сўзнинг луғатларда шарҳ этилмай қолган, бизга ноаён ўзга маънолари ҳам борми? Қолаверса, бутун бошли бир халқ тилининг юзага келишини бир шахс номи билан боғлаш нечоғли мантиқий?..

Мазкур далиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, у маҳалларда *“туркий”* деб юритилган *эски ўзбек тили ҳам, ўзбек адабий тили ҳам, ўзбек адабиёти ҳам* Алишер Навоийдан бир неча аср аввалдан бор эди ва юзлаб ижодкорларнинг неча асрлардан буён завол билмай, қалбларга нур ва шуур бағишлаб келаётган дурдона асарлари ўша тилда, ўша адабиёт намуналари сифатида яратилган. *“Ўзбек классик адабиёти,* – деб ёзган эди академик Воҳид Зоҳидов, – *ўз бошланғичини жуда ҳам узоқдан, ундан ҳам олдин – фольклордан олади. Унинг деярли йигирма асрлик тарихи... жуда мураккаб ҳамда бой” (“Ўзбек адабиёти”, 1-том, сўзбоши, 1959).*

Ҳеч шубҳа йўққи, Навоий ўз салафлари анъаналарини давом эттирган ҳолда, форсий, арабий ва бошқа сўзлар ҳисобига ўзбек (туркий) адабий тилини такомиллаштирган, айни вақтда мураккаблаштирган ва унинг заҳирасини, шу билан бирга, мумтоз адабиётимизни ўзининг ҳажман улкан, бадиий жиҳатдан беқиёс баркамол асарлари билан бойитиб, юксак поғоналарга кўтарган. Бу жиҳатдан аллома шоирнинг миллий адабиётимиз, миллатимиз олдидаги хизматлари бемисл ва ҳар қанча таҳсин айтмоққа, байроқ мақомида улуғламоққа чандон муносибдир.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Андижон давлат университетининг
фахрий профессори

San’atimiz fidoyilari

“ҚАНИ, НАЙ БЕР МЕНГА...”



Атоқли адиби Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асари асосида яратилган бадиий фильмда “Ўртар” (Машраб ғазали) ашуласини эшитганимда ўйланиб қоламан. Боиси, шубҳасиз, ғазал матни ва куй оҳанги таъсири. Зеро, бу қўшиқнинг куйи тингловчи қалбининг туб-тубига етиб боради, оҳанг юракларни сел қилади. Эҳтимол, бу мумтоз ашуланинг мусиқаси муаллифи Ҳалимжон Жўраев эканини кўпчилик билмас. Шу ўринда атоқли бастакор, профессор Раҳматжон Турсуновнинг устоз ҳақидаги фикрларини эслаш жоиз деб ўйлайман: “Мен 1961 йили, Тошкент давлат консерваториясида ўқиб юрган даврларим Ўзбекистон меҳнат резервларини тайёрлаш қўмитаси маданият уйи қошидаги ашула ва рақс ансамбли концерт дастурини эшитишга тез-тез бориб турардим. Мазкур ансамблда Ҳалимжон Жўраев билан танишдим ва яқиндан мулоқотда бўлдим. Ҳалимжон акага янги басталаган “Мунча соз” (Ҳабибий шеъри) ашуламни рубобда чалиб эшиттирдим, унга маъқул бўлди. Суҳбат асносида Ҳалимжон ака ўзи куй басталаган янги ашуласини эшиттирди. Бироз сукутдан сўнг “Яхши, оҳанги бетакрор мумтоз ашула яратилибди”, дедим. Бу ўша “Ўртар” (Машраб ғазали) ашуласи эди”.

“Ўртар” мусиқаси билан кўпгина қалбларни ўртаган бебаҳо инсон, ўзига хос ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, моҳир созанда, бастакор, доцент Ҳалимжон Жўраев илм-фан, санъат, адабиётнинг ўчоғи бўлган Наманган вилояти Чуст туманидаги санъаткорлар муҳитида камолга етди. Унинг ўзбек бастакорлари куй ва ашулаларини мукаммал эгаллаган санъаткор сифатида ўз ўрнини топишида атоқли ўзбек бастакорларининг хизматлари катта бўлди. Дони Зокиров, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов каби устоз санъаткорлардан сабоқ олиб, улар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Бастакорлик, хусусан, мумтоз куй ва ашула ижрочилигида ёшлар орасида Ҳалимжон Жўраев устоз Д.Зокиров ва С.Калоновнинг ҳақиқий шогирди сифатида эътироф этилгани санъат мутахассислари ва шинавандаларига яхши маълум.

Устозлари кўмагида ва ўзининг интилиши, санъатга меҳри туфайли етук созанда сифатида танилган Ҳ.Жўраев бастакорлик истеъдодини ҳам синаб кўрди. Бу соҳада ҳам кўплаб халқчил куй ва ашулалар яратилишига муносиб ҳисса қўшди. Қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида устоз юздан ортиқ ашула, куй, ялла ҳамда ўзбек халқ чолғулари оркестри учун асарлар басталади. Улар орасида “Ўртар” (Машраб ғазали), “Саодат баҳори” (Ҳ.Ғулом сўзи), “Сен йироқда” (Э.Воҳидов сўзи), “Ўзбекистон ипак йўллари” (Н.Нарзуллаев сўзи), “Интизор эмасман” (Фурқат сўзи), “Най навоси” (М.Қориев сўзи), “Бир қиё боққан билан” (С.Зуннунова сўзи), “Замонамни куйлайман” (Т.Тўла сўзи), “Бегим сизга” (Х.Худойбердиева сўзи), “Иқболим баланд” (Ҳ.Муҳаммад сўзи), “Рубоб учун лирик куй”, “Қўшнай учун пьеса”, оркестр учун “Рапсодия” ва “Поэма” каби элга манзур бўлган асарларни тилга олиш мумкин.

Шу ўринда Ҳалимжон Жўраевнинг созандалик санъатига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро, санъаткор най ва рубоб чолғуларини чертишда беқиёс ижрочи эди. Айниқса, унинг най ижроси таҳсинга сазовор. Устоз шоир Абдулла Ориповнинг “Қани, най бер менга, дўстгинам” номли шеърида шундай сатрлар бор:

Кўзларимга бу ёруғ олам
Кўринмоқда бирам суюмли.
Қани, най бер менга, дўстгинам,
Тўкай тўлиб кетган кўнглимни.

Дарҳақиқат, Ҳалимжон ака най чалганда кўз олдингизда бу ёруғ оламнинг тенгсиз жозибаси намоён бўлиб, кўнгил тубида ётган ҳисларингиз юзага қалқиб чиқарди. Созанда узоқ йиллар давомида (1961 йилдан) Ўзбекистон радиоси ҳузурида ташкил этилган ўзбек халқ чолғулари оркестрида етакчи найчи бўлиб фаолият кўрсатди. Най ижрочилигида юксак малака ва маҳоратни эгаллаган санъаткор асосий эътиборни ҳар бир асарнинг бадиий мазмунини ифода этишга ва бунда товушларнинг табиий тароватини тингловчига етказиб беришга қаратди. Товуш ва унинг ифодаси бўлмиш бетакрор “нола” ва “қочиримлар” санъаткорнинг най санъатидаги бош тамойилини белгилайди. Зотан, Ҳалимжон Жўраев “Ёввойи чоргоҳ”, “Ёввойи ушшоқ”, “Чўли Ироқ” каби мумтоз куйларни нафас узмай ижро этганки, бунинг ўзи алоҳида бир мавзу.

Ҳ.Жўраев созанда ва бастакорлик санъати билан бирга мураббий – педагог сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди. Устоз узоқ йиллар давомида ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ёшларга мусиқа санъати сирларидан сабоқ берди. Унинг сабоқларидан ибрат олган шогирдлари бугун устоз ишини давом эттираяптилар. Қайси соҳада бўлмасин, мураббийлик энг шарафли касблардан ҳисобланади. Ҳар бир касб эгасининг келажакдаги мавқеи, шахсий интилишлари, аввало, мураббийга боғлиқ. Энг муҳими, мураббий фидойи бўла олиши керак. Ёшлар ниҳоятда кузатувчан бўлади. Шу маънода педагогнинг билимдонлик даражаси уларни дарҳол жалб этади. Устоз Ҳалимжон Жўраев дарсларни мазмундор, ижодий ва услубий жиҳатдан пухта ташкил этиши, мусиқанинг амалий сирларини ўрганишдек вазифаларга талаба – ёшларни қизиқтира олиши туфайли ҳурматга сазовор бўлган устоз даражасига етишди. Устознинг, шунингдек, бир қатор ўқув ва услубий ишлари, жумладан, фан дастурлари, ўндан ортиқ мақолалар ва “Най навоси”, “Ёш найчи”, “Ўртар” номли ўқув қўлланмалари нашрдан чиққан. Педагоглик фаолияти натижалари бўйича доцент илмий унвонига сазовор бўлган.

Ҳалимжон Жўраев созанда сифатида Финляндияда ўтган VIII халқаро ёшлар фестивалида, Болгарияда ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги, Миср Араб Республикасида Ўзбекистон санъати кунларида қатнашиб, Германия, Греция, Ҳиндистон, Туркия, Кипр, Чехословакия, Япония каби мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек санъатини дунёга танитишга самарали ҳисса қўшган санъаткордир.

Фредерик Шопен “Бир вақтнинг ўзида ҳам композитор, ҳам ижрочи бўлиш ҳақиқий бахтдир”, деган эди. Дарҳақиқат, устоз Ҳалимжон Жўраев умри давомида ана шундай бахтни туйиб яшади. Зеро, устоз созанда, бастакор, доцент Ҳалимжон Жўраевнинг халқимиз дилидан жой олган ранг-баранг асарлари, педагоглик маҳорати ёшлар учун ибрат мактабидир.

Нозим ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон давлат
Хореография академияси
профессори

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми, педагог, маиший жанр устаси Зинаида Михайловна Ковалевская 1902 йили Россиянинг Вольск шаҳрида туғилган. Зинаида Михайловнанинг рассом бўлиб шаклланишида оиладаги ижодий муҳит ижобий таъсир кўрсатган. Ковалевскийлар хонадонига рассом Павел Беньков, Марказий Осиё санъатининг таниқли тадқиқотчиси, профессор Борис Денике, санъатшунос Пётр Корнилов, тарихчи-библиограф Пётр Дульский каби ўз даврининг таниқли зиёлилари тез-тез келиб туришарди. Улар Ўрта Осиёнинг тарихи, санъати ва этнографиясини ўрганган олимлар эди.

БЕНЬКОВ МАКТАБИНИНГ ДАВОМЧИСИ

Қозон рассомлик мактабини тугатган Ковалевскаянинг касб маҳоратини эгаллашида ўқитувчилари Н.И.Фешин ва П.П.Беньковнинг ҳиссаси катта бўлган. Талабалик даврида яратган “Болалар боғчаси”, “Олтин эритувчи”, “Кир ювувчи татар қиз”, “Пионер”, “Колхозда ғалла янчиш” каби асарлари Қозон ва Москвадаги кўргазмаларда намойиш этилган.



1930 йил ёзида З.Ковалевская Самарқандга, Ўзбекистон давлат илмий-тадқиқот институтининг этнография бўлимига рассом сифатида ишга таклиф қилинади. Бу даврда рассом туманларда ижодий саёҳатларда бўлиб, халқ ҳунармандлиги ва миллий безакларни, орнаментларни ўрганди, “Аёллар меҳнати” бадиий каштачилик артели учун каштачилик эскизлари, дўппи ва сўзаналарга эскизларини чизди. Рассомнинг акварель эскизлари ва чизмалари кейинчалик картиналарга айланди. 1930-йилларда Ковалевская ўзбек халқи ҳаётига бағишланган “Ҳунарманд”, “Ёшлар бригадасида”, “Октябр”, “Ложада” каби ҳикояли картиналарни яратди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида, 1941 йилнинг кузида Самарқандга санъат муассасалари кўчирила бошланди. П.Беньковнинг маслаҳати билан деярли 40 ёшида З.Ковалевская Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтига ўқишга кирди ва 1943 йили институтнинг рангтасвир бўлимини вақтидан олдин тамомлади. Уруш йилларида “Ёш нишонлар”, “Ғалаба билан қайт”, “Ярадорларни кўрган болалар” каби юксак даражадаги картиналарини чизди. Жумладан, “Янги оилада” картинасида ўзбек халқининг эвакуация қилинган болаларга нисбатан ғамхўрлигини, инсонпарварлигини акс эттирган.

Урушдан кейинги йилларда рассом манзаралар, портретлар, натюрмортлар, кундалик лавҳалар ва жанрли картиналар устида ишлаган. У меҳнаткашлар ҳаётини кузатиб, картиналарида тўқувчи ва каштачи аёллар образларини тасвирлаган. Урушдан кейинги машҳур асарлари орасида 1948 йили Париждаги кўргазмада намойиш этилган “Халқ санъати усталари”, “Помидор терими”, “Пахтакорларга мукофот”, “Эътиборли пахтакорлар қурултойида” кабилар алоҳида эътиборга лойиқ. Рассом Самарқанд вилоятининг энг гўзал жойи, тоғли ҳудуди Ургутга тез-тез ташриф буюрган.

Самарқанд рассомлик билим юртида дарс бераётган пайтида республика ва бутуниттифоқ кўргазмаларида қатнаша бошлаган. Рассомнинг ижодий фаолияти Ўзбекистонда “Беньков мактаби” рангтасвирининг ривожланиши билан боғлиқ. Санъатнинг турли жанрларида ижод қилган З.М. Ковалевская ички ёруғлик ва оптимистик мазмунга тўла асарлар яратади. Унинг картиналарида ўша давр одамларининг маиший, кундалик ҳаётидаги ўзига хос хусусиятлар тасвирланган.

1949 йили Самарқанд рассомлик техникуми Тошкент рассомлик техникумига бириктирилиб, республика пойтахтига кўчирилди. З.Ковалевская

Ustozlar yodi

Самарқанддан кетмади, умрининг охиригача шу шаҳарда яшади. Чунки унинг шогирдлари, севимли жойлари ва асарлари Самарқандда эди. У ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, устози ва умр йўлдоши П.Беньков рангтасвири тамойилларига таянган ҳолда асарлар яратган. Рассом асарларида манзара ва маиший жанрларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. “Эски шаҳар кўчалари”, “Ҳовли”, “Ўзбек ҳовлиси”, “Ўқувчи қизлар”, “Бодом гуллади” каби картиналари шу жараённинг маҳсулидир. Уларда инсоннинг табиат билан уйғунлиги намоён бўлган. Бу картиналарнинг композицияси импрессионизм анъаналарига мувофиқ очиқ бўлиб, ифодавийлик кўп жиҳатдан картинанинг ёруғ ва сояли қисмларига асосланган. З.Ковалевская бу асарларда халқ ҳаётига хос хусусиятларни қамраб олади. Бу жиҳат асарларининг ўзига хос поэтик жозибаси, уларнинг миллийлиги ва ҳаққонийлигида намоён бўлади. Бетакрор рассомнинг энг машҳур дастгоҳли асарларидан бири “Павел Петрович Беньков” портретидир. Мазкур портретда кўнгли кенг, қалби ёруғ, келишган рассом тасвирланган. Асарда ёруғликка, нур ва соя ўйинига урғу берилгани, тафсилотлар озлиги, шунингдек, картинанинг оқилона ранг схемаси портретга ихчамлик ва идрок этиш қулайлигини беради. Беньков образи оч яшил халатда, стулда бироз ўнгга эгилиб ўтирган ҳолда, қўлида кичик эскиз билан тасвирланган. Кўйлакнинг оқ ёқаси уста сиймосига олижаноблик бахш этиб туради. “П.Беньков портрети” картинасидаги деталларнинг танланиши тасодифий эмас, барча унсурлар рассомнинг ақл-заковати ва бадиий маҳорати юксаклигидан далолат беради. Полотнода жуда кўп жой ва фазовий бўшлиқ бор, рассом атрофидаги муҳит худди рассомнинг характери каби сокин ва мувозанатли. Хотиржам ҳолатида ҳам П.Беньковни ижодкорлик ва санъат ҳақидаги ҳис-туйғулар, кечинмалар тарк этмайди. Суратда рассом тийнатидаги донолик ва қатъият акс этиб туради.

Рассомнинг юксак тасвирий маданияти унинг моддий оламнинг гўзаллиги ва хилма-хиллиги лирик-поэтик тарзда идрок этилган натюрмортларига ҳам хос. Зинаида Михайловна томонидан портретларга киритилган натюрмортлар ифодали ва қатъий кўринишга эга. Худди манзараларда бўлгани каби, рассом бунда ҳам ижодий концепциясига содиқ, яъни ҳаётни ўзаро муносабатларнинг мураккаблигида диалектик идрок этар экан, воқеликнинг ҳаяжонли лирик талқинини, ўзига хос вазминликни сақлаб қолади.

Зинаида Михайловна Ковалевская ижод билан бирга, педагогик фаолиятни ҳам самарали олиб борди. У 20 йил Самарқанд бадиий мактабида дарс берди. Ўзбекистоннинг дастлабки рангтасвирчи рассомлари П.Беньков ва З.Ковалевскаянинг шогирдларидир.

Ўзбекистон тасвирий санъатида ёркин из қолдирган рассом З.М.Ковалевская 1979 йили Самарқандда вафот этган.

Умида АҲМАДХЎЖАЕВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институти таянч докторанти

Do‘stlik taronasi

ОПЕРА ГУЛДАСТАСИ

Юртимиз Мустақилликни қўлга киритган куннинг байрам сифатида кенг миқёсда нишонланиши йилдан-йилга мазмунан бойиб, халқимизни янгиликлар билан хурсанд қилишда давом этмоқда. Бу йилги тантаналар ҳам Президентимизнинг сермазмун нутқи ва концерт дастурининг ранг-баранглиги билан юртдошларимизда катта таассурот қолдирди.

Шубҳасиз, дастурдаги барча чиқишлар бугунги кунимизга ҳамоҳанглиги билан ҳаммага манзур бўлди. Айниқса, туркий давлатлар опера ижрочилигининг ёркин намояндаларидан иборат гуруҳнинг чиқиши тадбир иштирокчиларига ҳам, телеэкран қаршисида ўтирганларга ҳам бирдек завқ бағишлади, десак янглишмаймиз. Ушбу чиқишнинг қандай юзага келгани ҳақида байрам тадбири режиссёри Асқар Холмўминов қуйидагиларни гапириб берди:

– Аввало шуни айтишим керакки, опера намояндаларининг бундай чиқиши дастлаб ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда ташкил этилган юбилей концертида юз берганди. Ўша пайтда туркий давлатлар таниқли операчилари иштирокида концерт номери яратиш ташаббуси ўртага ташланганди. Ушбу концерт номери ТУРКСОЙга аъзо бошқа давлатларда ҳам катта қизиш ва олқишлар билан кутиб олинганди. Ўшанда сопрано овозли хонандалар таркибида Ўзбекистондан Фотима ва Зуҳра Турсунбоевалар қатнашиб, “Кашмирда” (Фурқат ғазали, Мухтор Ашрафий мусиқаси) номли романсни ижро этишганди. Кейинги концертларда туркий давлатлардан тенор овозли хонандалар биттадан операдан парчалар ижро этишди. Тенорлардан биздан таниқли опера хонандаси, халқаро танловлар совриндори Умид Исроилов қатнашди.

Ушбу опера қўшиқлари бир неча давлатда муваффақиятли ижро этилиб, мухлислар олқишига сазовор бўлганини инобатга олиб, бу йилги Мустақиллик байрами томошалари дастурига туркий давлатлар таниқли опера хонандаларидан иборат “Туркий дунё куйлагай” гуруҳини киритиш лозим топилди. Бу сафар сопрано овозли ижрочилар сафида ўзбек опера санъатининг таниқли вакили, “Дўстлик” ордени соҳиби, Халқаро танловлар совриндори Ширин Маматова қатнашди. У “Кашмирда” романсини юксак маҳорат билан ижро этди. Ширин билан бирга Демет Гюрхан (Туркия) “Фикримин инже гулу”, Заира Раимбекова (Қирғизистон) “Кол вальси”, Элеонора Мустафаева (Озарбайжон) “Озарбайжон эллари”, Айна Сейиркулева (Туркманистон) “Туркманистон баҳори”, Зарина Алтинбаева (Қозоғистон) “Қозоқ вальси” каби ария ва қўшиқларни катта маҳорат билан куйладилар. “Ўзбекистон ёшлар балети” гуруҳи ижросидаги рақс қўшиқларга ажойиб безак бўлди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ўзбек опера санъати, умуман, туркий давлатлар опера санъати жиддий ютуқларни қўлга киритиб, турли мамлакатлар опера мухлислари қалбини забт этмоқда. Уларнинг овози бугун жаҳон саҳналарида баралла янграмоқда. Бу каби жиддий чиқишлар бардавом бўлишини, ўзбек ва туркий давлатлар опера санъати янада юксакларга парвоз қилишини тилаб қоламиз.

Г.УМАРОВА

Umrboqiy qo‘shiqlar

ТОШКЕНТ ИРОФИ

Манам Мажнуни ишқ, дўстлар, ки бир Лайлони изларман,
Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шаҳлони изларман,
Ажаб бир тийрадилдурман, қамарсиймони изларман,
Мани ишқида зор этган қади зебони изларман,
Ўшандоқ офатижон шўхи бепарвони изларман.

Асири гул юзидурман, жаҳон гулзорини найлай,
Анга кўнгулни олдирдим бўлак дилдорини найлай,
Деюрға сирри маҳрам йўқ, бу ғам изҳорини найлай,
Маломат қилса қилсин эл, алар гуфторини найлай,
Кечибман ору номусдин, ўшал барнони изларман.

Ёронлар, бир париваш ишқининг девонаси бўлдум,
Бериб барбод ақлимни, хирад бегонаси бўлдум.
Кўриб ҳусни чароғини, ёниб парвонаси бўлдум,
Нетай, Мискин каби халқи жаҳон афсонаси бўлдум,
Жунуним айб қилманглар, маҳи Анқони изларман.

МИСКИН

Yangi nashr

“ОИЛА – МУҚАДДАС”

Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муқаддас Абдусаматованинг “Зарварақ” нашриётида чоп этилган “Оила – муқаддас” номли китобини ўқиб қолдим. Муаллиф оилани бир муқаддас иморатга ўхшатиб, ирода, садоқат, сабр-тоқат, поклик, ширинсуханлик, одамохунлик, матонат каби фазилатларнинг бу бино қурилишидаги ўрнини кўрсатиб беради.

Китобнинг “Гўдак кўзидаги ҳайрат”, “Сўз сеҳри”, “Биринчи қадам” бобларида одам боласининг дунёга келишидан то заминга илк қадам қўйиши, боғчага бориши, мактабда ўқиб камол топишигача бўлган жараён мароқли ҳикоя қилинган. Китоб сўнгида Муқаддас опанинг болаларга бағишлаб ёзган шеърлари ҳам ўрин олган.

Оила муқаддас бўлса, жамият ҳам бақувват бўлади. Ёш авлоднинг соғ ва дуркун ўсиши ота-она учун катта бахт. Агар инсон шу завқни дилдан ҳис қилиб яшаса, ҳаёти мазмунга тўлади. Буларни ҳис қилиш учун, албатта, ушбу китобни ўқиши керак.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг юқори қаватидаги экспозиция кўргазмали ашёларга бой. Бу ерга кирган томошабиннинг назари дастлаб ижодкорларнинг рангтасвирда ишланган портретига тушади. Сўнгра уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотни ўқийди, ижодкорнинг витринага қўйилган китоблари, қўлёзмалари ва шахсий буюмлари билан танишиб чиқади. Жумладан, таниқли жамоат арбоби ва ёзувчи Сарвар Азимов ижоди билан ҳам шу ерда танишиш мумкин.

АДИБ ПОРТРЕТИ



Рассом Николай Баскаков чизган С.Азимовнинг рангтасвирдаги портретида унинг сиймоси композициянинг олд планида гавдалантирилган. Эгнида жигарранг тугмали оқиш костюм, оқ кўйлак ва бўйнида сиёҳранг, доирасимон нақшли галстук. Қаҳрамонининг ўктам чеҳрасидаги ним табассумли нигоҳи олисга қараган. У қўлларида бир даста газетани ушлаб турибди. Ўтган асрда кўпчилик газетхонлар ҳар куни эрталаб матбуот дўконларидан газета ва журналларни харид қилиб, нонушта вақтида уларни варақлаб, кунларини қизиқарли ахборот ва мақолалар мутолаасидан бошлаши одат бўлган.

Тасвирда қуёш нурлари тепадан пастга, чап тарафдан тушяпти. Пиёдалар йўлкасига сув сепилгани туфайли пастда, чап томонда асфальт юзасида пайдо бўлган кўлобда дарахт ва гулларнинг акси кўринади. Нур ва соя чапдан ўнгга йўналтирилган. Рассом С.Азимовнинг юз чизгиларини катта маҳорат билан ифодалаган. Нигоҳи, юз ифодаси, мимикаси, садафдек тишлари, ияк ва бўйни жонли тасвирланган. Кийим-бошининг бурмалари ҳам ғоят табиий чиққан. Ижодкор мазкур портретда Навоий кўчасида жойлашган Ҳамза номидаги драма театри (ҳозирги Ўзбек миллий академик театри) рўпарасида, хиёбон йўлкасида турган ҳолатда тасвирланган. Унинг ортида, Тошкентнинг қадимий кўчаларидан бири – Навоий шоҳкўчасини пиёдалар йўлагидан ажратиб турувчи, қизил рангдаги тўртбурчак шаклидаги темир панжара, ўсимлик, гуллар ва чап томонида ёш чинор дарахти тасвирланган. Кўчани оқ ва оч яшил рангли иккита “Волга” ҳамда қора “Чайка” автоуловлари эгаллаб турибди. Театр биноси олдига олиб чиқувчи зинапояларда юқори ва қуйига қараб ранг-баранг либосдаги бир неча киши қадам ташлаб ҳаракатланмоқда. Бинонинг олд кўриниши (экстерьери) ўзбек миллий меъморлик анъаналарида кўп қўлланадиган гириҳ услубида безатилган. Мазкур рангтасвир манзара томошабинга Навоий кўчасининг ўтмишдаги тарихий кўринишини эслатади. Шу билан бирга, бу ҳолат академик театримизнинг пойтахтимиз маданий ҳаётида нечоғли муҳим ўринга эгалигидан далолатдир.

С.Азимов ойнаи жаҳондаги кўрсатувлардан бирида ёнидаги чет эллик меҳмонга: “Биз, ўзбеклар, дўстликнинг қадрига етадиган халқмиз!”, деган эди. Бу сўзлар ҳамон ёдимда. Мазкур маънавий қадрият ва тамойилни адиб серқирра ижодида ҳамда фаолияти мобайнида ҳаётга тадбиқ этди. Унинг тимсолида XX асрда тарих саҳнида, ижтимоий-сиёсий ва адабий жараёнларда тарбияси, салоҳияти, истеъдоди, билими, меҳнати туфайли ўзидан кейин ўчмас из қолдирган улуғ бир сиймони кўрамиз.

Бахтиёр ТОИРОВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий ходими

Gul ko‘p, chaman ko‘p...



БИРИНЧИ ҲИКОЯ ВА КАСБ ТАНЛАНИШИ

Михаил Булгаков илк ҳикояси – “Светлананинг саргузаштлари”ни етти ёшлигида ёзган. Гимназиянинг бешинчи синфида ўқиётганда “Бош врачнинг бир куни” номли фельетони, бир неча эпиграмма ва ҳазил шеърларини ёзган. Бироқ бўлажак ёзувчи келажакда шифокор бўлишга қарор қилган эди: икки тоғаси Москва ва Варшавада шифокорлик қиларди ва Булгаков бу касбнинг барчага кераклиги, моддий жиҳатдан яхшилигини болалигидан катталарнинг суҳбатларида эшитганди. У 1916 йили Киев университетининг тиббиёт факультетини тамомлайди ва фуқаролар уруши даврида жарроҳ бўлиб ишлайди, шунингдек, оқшомлари ҳикоялар ёзади. Аммо 1920 йилга келиб Булгаков тиббиёт соҳасини тарк этади ва Владикавказ инқилобий қўмитасида адабиёт ва театр бўлими мудири бўлиб ишлай бошлайди.

СТАЛИНИНГ ҚЎНҒИРОҒИ

Ёзувчи бир куни Сталин билан телефон орқали суҳбатлашади. Бу Булгаковнинг асарларини нашр этиш ва пьесаларини саҳналаштириш таъқиқланган пайтда рўй беради. Асабийлашган М.Булгаков Шўро ҳукуматидан хорижга чиқиб кетишга рухсат сўраб хат ёзади. Тез орада унинг уйидаги телефон жиринглайди ва Сталин ёзувчидан чет элга кетиш ҳақидаги қарори чинми, деб сўрайди. Бу саволга Булгаков “сиёсий ҳушёрлик” билан “ёзувчи ватанидан ташқарида яшай олмайди”, деб жавоб беради.

Шундан сўнг Сталин унга МХАТга мурожаат қилишини айтади ва ёзувчини шу ерга ишга қабул қилишади.

МХАТдаги таъқиқ

1925 йили Булгаковга яқиндагина нашр этилган “Оқ гвардия” романи асосида МХАТда саҳналаштириш учун пьеса ёзиб беришини сўрашади. Аммо тез орада Адабиёт ва нашр ишлари бўйича бош бошқарма ёзувчи “Итюрак” номли янги қиссасида инқилоб танқид қилингани учун нашр этишни таъқиқлайди. Булгаковнинг уйида тинтув бўлади, ОГПУ ходимлари ёзувчининг кундаликлари ва қиссанинг қўлёзмасини олиб кетишади. Бадиий театрдаги саҳналаштириш ишларини эса, Репертуарларни назорат қилиш бош қўмитаси ўз назоратига олади. Уларнинг талабига кўра асар “Турбинлар кунлари” деб қайта номланиб, айрим саҳналар олиб ташланади.

“ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ КАСБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ”

1934 йили Михаил Булгаков “Иван Васильевич” номли комедиясини ёзади. Унинг бош қаҳрамони москвалик ихтирочи Николай Тимофеев вақт машинасини яратади ва унинг ёрдамида Иван Грозний даврига бориб қолади. Иван Грозний образида Иосиф Сталиннинг қиёфасини акс эттиришга интилади. Шу боис ёзувчи ҳаётлигида унинг пьесаси нашр этилмайди. Аммо 1973 йили Леонид Гайдай бу асар асосида “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” номли машҳур фильмини суратга олади.

Hajviya

ТУРМУШГА ЧИҚМАГАН ҚИЗ

Кроссвордни ким ўйлаб топган бўлсаям!.. Ҳозир қаёққа қарама одамлар кроссворд ечиш билан овора. Бошқа ишлари йўқдай!.. Ҳатто бошлиғимиз ҳам эшикни ичкаридан қулфлаб олиб, кроссворд ечиб ўтиради. Билмаган нарсасини котибадан, котиба эса хонама-хона юриб биздан сўраб-суриштиради. Саволлари осон бўлса экан! Қайси куни “Саломнинг жавоби”ни излаб кунимиз ўтди. Охири, бу саволга қоровулдан жавоб топдик. Саломга жавоб – “алик” экан! Тавба! Шунга шунча бошимиз қотибди. Бошлиғимиз билмагандан кейин, бизга йўл бўлсин...

Ишда-ку, майли, аммо уйдаям кроссворддан тинчлик йўқ. Худога шукр, хотиним бунақа нарсалардан ўн чақирим олисда юради. Мактабни “круглий уч”га битирган. Фақат “ашула”дан “беш” олган. Ашула муаллими унинг овозидан қутилиш учун “беш” қўйиб берган бўлса керак. Кроссвордни эса, эндигина саккиз ёшга тўлган эгизларимиз – Ҳасан-Ҳусан ечади. Тағин ҳар икки саволдан бирини мендану онасидан сўраб безор қилишади. Қаердан олишаркин-а, кроссворд газетасини десам, пистачи хотин пистасини кроссворд тўла “кулёк”ларда сотаркан. Эгизаклар фойдаси бор деб, пул бераверибман, мен содда!

Мана бугун ҳам ана шунақа тутуруқсиз саволлардан бири –“Турмушга чиқмаган қиз”ни топишолмай ҳар доимгидек ошхонада куймаланаётган оналарининг олдига боришди.



– Бошимни қотирмаларинг! Ҳеч қандай қиз-пизни билмайман! Муштдай бошларинг билан турмушга чиқмаган қиз қидиряпсанми! Мактабда нимани ўргатишяпти ўзи!

– Ойижон, бизга қиз керакмас, кроссвордда шундай ёзилган: “Турмушга чиқмаган қиз” деб, олтита ҳарфдан иборат. Охирги ҳарфи “а”, – дейишди эгизларимиз, – Жон ойижон, айта қолинг! Ахир, сиз ҳам бир пайтлар қиз бўлгансиз-ку!

– О-о-о! – овозини чўзишига қараганда, хотиним ашула дарсидан олган “беш”ини эслади шекилли. – Қиз бўгандаям-чи-и, унча-мунча қиз эмасди-им! Ҳар сочимга биттадан йигит ошиқ! Қани ўша сочиму, қани ўша ошиқлар! Эс-сиз ёшлигим...

Эгизаклар онасидан жавоб ололмасликка кўзлари етиб, газета парчасини кўтарганча менинг қошимга келишди. Болаларнинг саволларига жавоб беришдан қочиш – уларнинг келажагидан қочишдир, деган қоидага амал қилганча, ўттизга кирсаям турмушга чиқмай юрган котибамиз эсимга тушиб қолди. Рақамини териб, қўнғироқ қилгандим, уйидаям котибалигини давом эттириб, дарров гўшакни олақолди.

– Яхшимисиз, кечирасиз-да бемаҳал безовта қилаётганимга, – дедим унинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун юмшоқроқ гапириб. – Мана сиз, шу пайтгача турмушга чиқмагансиз. Шунга нима дейишади?

– Ким, масалан?! Ойим ачинал-ла, дугоналарим бўлса ажаб қиласан, эрга теккандан қаро ерга теккан яхши дейишади! – деди котиба бамайлихотир. – Нима, бирортасини тавсия қилмоқчимисиз?!

– Йўғ-а, ўзим шунчаки... – дедим мақсадга кўча қолиб. – Кроссвордда савол бор экан: “Турмушга чиқмаган қиз”, ўзи олти ҳарфли, охирги ҳарфи “а”! Шуни сўрамоқчи эдим.

– Эртага ишхонада кўрсатиб қўяман сизга одамни масхара қилишни! – бирдан қутирган котиба гўшакни жаҳл билан жойига қўйганда бошимга бир мушт тушгандек бўлди...

Шунга айтаман-да, кроссвордни ким ўйлаб топган бўлсаям... деб! Мабодо, сиз билмайсизми? “Турмушга чиқмаган қиз”?! Ўзи олтита ҳарф, охирги “а”?

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Bolalar bekati

ORIFJON VA CHUVALCHANG

Dedi kichkina Orif:
– Men ilonni ushladim.
Tesha bilan bir urib,
To‘rtga bo‘lib tashladim!

Hamma uning gapidan,
Bo‘lib qoldi hangu-mang.
O‘sha ilon, aslida,
Edi oddiy chuvalchang!

GAPNING MAG‘ZI

Karimjon kattalarning
Gapiga bo‘ldi hayron.
Gapning mag‘zi bo‘larmi
Bu dunyoda hech qachon?

Oyisiga dedi u:
– Gapning mag‘zi bormikan?
O‘zi qanday edi u,
Ta’mi shunday zo‘rmikan?

Oyisi dedi kulib:
– Tushunmaysan bu gapga.
O‘zing olasan bilib,
Borganingda maktabga!

UYQU VAQTI

Jajji Anvar otasiga qarabdi,
So‘ng o‘ylanib
otasidan so‘rabdi:
– Har kun kechda menga
siz ertak aytib,
Uxlatasiz, axir bu
qanday tartib?

Erta tongda ertak
aytsa bo‘lmasmi?
Yo boshqa vaqt ertak
esga kelmasmi?

Ota kulib, o‘g‘liga
dedi shunday:
– Erta tongda ertak
aytaman qanday?
O‘g‘lim, tongda ertak
aytish behuda,
Axir, tongda sen
bo‘lasan uyquda.

QALDIRG‘OCHNING INI

Pechkaning karnayiga
Qaldirg‘och in quribdi.
Mo‘ralasam ichida
Bolalari turibdi.

O‘ylab boqqanimizda,
Oxiri bo‘lar yomon:
Pechni yoqqanimizda,
Qushlar qolmaydi omon.

Men ularni avaylab
Karnay ichidan oldim.
Xavfsizroq joyga joylab,
Tagiga xashak soldim.

Me’morlikni o‘rgandim,
Keyin biroz oldim tin.
Hazil gapmi, qurgandim
Qaldirg‘ochga yangi in!

TONGDA ERTAK AYTISH BEHUDA



Shohida JO‘RAYEVA,
Qarshi davlat universiteti talabasi

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, шоир Амир Худойбердига онаси

Пўлатой аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент-100066, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир **Ҳумоюн АКБАРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1107. Буюртма Г - 938.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X